БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР ҚОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 71 (562)

8 АПРЕЛЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

АГАР БИЗ ҲАММАМИЗ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШГА ҲАРҚАЙСИМИЗ — ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР, АГРОНОМЛАР, ЗООТЕХНИКЛАР ВА БОШҚА МУТАХАССИСЛАР ЎЗ УЧАСТКАМИЗДА АҲИЛ БЎЛИБ ИШГА КИРИШСАК, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЮҚСАЛТИРИШ ВА МЕҲНАТКАШЛАРИМИЗНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАРИНИ ҚОНДИРИШ ВАЗИФАСИ МУВАФФАҚИЯТ БЛАН БАЖАРИЛИШИ ВА ОЛТИНЧИ БЕШИЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ҲАЛ ҚИЛУЧИ ЙИЛИ БУТУН ОЛТИНЧИ БЕШИЙИЛЛИК ПЛАННИНГ ОШИҒИ БЛАН БАЖАРИЛИШИ УЧУН ЯХШИ ПОЧИН БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ШАК-ШУБҲАСИЗДИР.

Барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, МТСларнинг, илмий-текшириш муассасаларининг, тажриба станцияларининг ходимларига, агрономларга ва зоотехникларга, қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига ва мутахассисларига

М У Р О Ж А А Т

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, ўтган йили колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалигининг мутахассислари ва барча ходимлари яхши меҳнат қилдилар ва, Қозоғистонда, Ғарбий Сибирьда ва бошқа бирқанча областьларда қаттиқ қурғоқчилик бўлганлигига қарамай, мамлакатда галла, сут, гўшт, сабзавот, техника экинлари ҳосили ўтган йилдагига қараганда анча кўп олинди ва тайёрланди. Пахта ва картошкадан 1954 йилдагига қараганда бирмунча камроқ ҳосил олинди.

1955 йилда галланинг яхши ҳосили аввалги йиллардагига қараганда анча кўп бўлди. 1954 йилдагига қараганда 22 процент кўп галла олинди. Бу муваффақиятга дон экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш натижасида, қўриқ ерларни ўзлаштириш, маккажўхори экишни кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Маккажўхоридан олинган дон ҳосили 1955 йилда 3,6 баравар кўпайди. Силос учун ва ёзда чорва молларни боқиш учун маккажўхоридан олинган кўкпоя маҳсули ҳам бирнеча баравар кўпайди. Узун толали зиғирпоя толасининг яхши ҳосили 1954 йилдагига нисбатан 74 процент кўпайди, қанд лавлаги 54 процент, кунгабоқар қариб икки баравар кўпайди. Ўтган хўжалик йили мобайнида мамлакатда чорва моллар сони кўпайди, уларнинг маҳсудорлиги ошди, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилди. Мамлакатдаги колхозларда сигирлардан соғиб олинган сутнинг яхши миқдори 1955 йилда 31 процент кўпайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг кўпайганлиги 1955 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планларини муваффақиятли бажаришга ва 1954 йилдагига нисбатан галланы 147 миллион пуд кўп тайёрлашга, мойли экинлар уруғликларини 1 миллион 170 минг тонна, қанд лавлагини 10,9 миллион тонна, зиғир толасини 135 минг тонна, сабзавотни 787 минг тонна, сутни 2,2 миллион тонна, гўштни 130 минг тонна, жунни 35 минг тонна кўп тайёрлашга имкон берди. 1955 йилда кўпгина колхозлар ва совхозлар, МТС лар, бутун-бутун районлар, айрим областьлар ва республикалар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришнинг ўзлари ишлаб чиққан планларини ошириб бажардилар ва ба'зи маҳсулотларни етиштириш жиҳатидан КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг 1960 йил учун белгилаб берган топшириқларига яқинлашиб қолдилар. Украина ССР колхозлари ва совхозлари 1955 йилда 1 миллиард 728 миллион пуд галла олишни мўлжаллаган эдилар, ҳақиқатда эса 2 миллиард пуддан кўпроқ галла ҳосили олдилар, бу эса 1960 йил учун мўлжалланган галла етиштириш даражасига деярлик тўғри келади. Республика 1954 йилдагига нисбатан қанд лавлагидан 1,6 баравар кўп ҳосил олинди ва колхозларда сигирлардан 1,4 баравар кўп сут соғиб олинди. Воронеж области колхозлари 1955 йилда 1954 йилдагига нисбатан галла етиштиришни икки баравар, кунгабоқар етиштиришни 2,9 баравар, қанд лавлаги етиштиришни 2,8 баравар, сут олишни 1,6 баравар кўпайтирдилар. Молдавия ССР, Москва, Белгород, Балашов, Сталинград, Иркутск, Рязань ва бошқа бирқанча областьларнинг колхозлари, совхозлари ҳам дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтирдилар.

Мамлакатимизнинг ҳамма республикаларида ва областьларида ўтган йил кўп колхозлар пул даромадларини анча кўпайтирдилар, бунинг натижасида шу колхозларда меҳнат кунларига пул билан тўланадиган ҳақ кескин равишда ошди.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг тарихий қарорлари билан рухланган бутун совет халқимиз саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни анча кўпайтирмоқ учун зўр ғайрат билан курашмоқда.

Партия XX с'ъезди мамлакат олдига, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари олдига халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш ҳамда халқимизнинг моддий даражасини ва маданий савиясини ошириш соҳасида жуда катта вазифалар қўйди. Ҳозирги вақтда бутун совет халқи шу вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун меҳнат қилмоқда. Шу нарса шак-шубҳасиздирки, олтинчи бешйилликнинг топшириқлари саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам анча қисқа муддатларда бажарилибгина қолмасдан, балки ошириб ҳам бажарилади.

Қишлоқ хўжалик соҳасида буни исботловчи далил шуки, янги хўжалик йилида мамлакатимиз колхозлари ва совхозларининг кўпчилиги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий муваффақиятларга эришдилар. Мамлакат колхозларида соғиб олинган сутнинг яхши миқдори 1955—1956 йилларнинг октябрь-февраль ойлари ичида ўтган хўжалик йилининг шу давридагига нисбатан 63 процент кўпайди. Биринчи кварталда сут тайёрлаш плани бутун мамлакатда ошириб бажарилди, айрим республикалар ва областьлар эса бу планни бир ярим—икки баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошириб бажардилар. Колхозларда бўрдоқига боқилаётган чўчқаларнинг сони 1956 йил 1 мартда 3 миллион бошдан ошиб кетди, бу эса ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда уч баравар кўпдир.

Бу йил кўкламги экишга тайёргарлик анча яхши бормоқда. Колхозлар ва совхозларнинг кўпчилиги уруғликлар билан яхшироқ таъминланган; трактор паркини ремонтдан чиқариш ишлари анча барвақт, демак анча сифатлироқ қилиниб, тошма-тошарлик қилинмасдан тамомланди. КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети барча қишлоқ хўжалик ходимларига ҳозир мурожаат қилиб, уларни бу йил қишлоқ хўжалик ишларини муваффақият билан ўтказишга чақиришни зарур деб ҳисоблайди, чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида XX с'ъезднинг қарорларини олтинчи бешйиллик планда кўрсатилган ҳажмларда ва муддатлардагина бажариб қолмасдан, шу билан бирга, муддатидан олдин ва анча кўп миқдорда реал бажаришни ҳам таъминлашнинг ҳал қилучи пайти келди.

Мамлакатимиз меҳнаткашларининг тез ўсиб бораётган талабларини тезроқ қондириш, қайси вазифани зарурлиги планни муддатлари ва миқдори жиҳатидан анча ошириб бажаришни талаб қилади, қўйилган вазифалар қанчалик барвақт бажарилса, шу қадар яхши бўлади, чунки етиштирилган маҳсулотлар совет халқининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ қондиришга сарфланади.

Ҳозирги вақтда аввало нималар қилмоқ керак? XX с'езд қарорларида айтилганидек, асосий вазифа галла проблемасини ҳал қилишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш шу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилинишига боғлиқдир. Партия ва Ҳукумат ҳужжатларида галла проблемасини ҳал қилиш йўллари ва усуллари тўла ва муфассал баён қилиб берилган. КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети қишлоқ хўжалигининг айрим масалаларига қишлоқ хўжалик ходимларининг эътиборини ҳозирги вақтда яна бир марта қаратиш ва тортиш зарур деб ҳисоблайдилар, чунки дон етиштиришни бу йилнинг ўзидаёқ кўпайтириш шу масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Хўш, булар қандай масалалар?

Тупроқни яхши тайёрлаб қўйиш, экинларни сархил уруғликлар билан сифатли қилиб ўз вақтида экиб олиш барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишнинг гаровидир. Шу сабабли кўкламги экишни сўзда эмас, балки амалда яхши, қишлоқ хўжалик мутахассисларимиз тили билан айтганда, оптимал муддатларда ва юқори сифатли қилиб, барча агротехника талабларига қат'ий риоя қилиниб ўтказмоқ учун кўкламги экишга тайёрланишга ҳозирги вақтда алоҳида эътибор берилиши лозим. Энг муҳими шуки, уруғликларни тахт қилиб қўйиш керак, экиш учун сифати, сорти, униб чиқиши жиҳатидан энг яхши уруғликлардан фойдаланилсин, тўлиқ норма билан экиш та'минлансин ва уруғликнинг тупроққа яхши ва тўғри жойлаштирилиши та'минласин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети маккажўхори экишга ва уни парвариш қилишга яхши тайёргарлик кўришни барча қишлоқ хўжалик ходимларининг алоҳида муҳим вазифаси деб ҳисоблайдилар. Мамлакат жанубий районларининг шароитида маккажўхори эскидан экилиб келган ва қишлоқ хўжалик ходимларига яхши таниш бўлган экин бўлса ҳам, аммо бошқа районларда маккажўхори айниқса марказий доирадаги ва хусусан Совет Иттифоқининг анча шимолроқ районларидаги ҳамда шарқий районларидаги колхозлар ва совхозларнинг кўпчилиги учун янги, унчалик таниш бўлмаган экиндир.

Ўтган йил маккажўхори ёппасига экилди ва ҳақиқат ҳолдан кўз юммай шуни айтиш керакки, маккажўхори ҳамма жойда ҳам кутилган натижаларни бергани йўқ. Кўп районларда об-ҳаво шароитлари ҳам унчалик яхши ва қулай бўлмади, кўклам кечикиб, салқин келди ва маккажўхори экишдан бехабар бўлган кишилар уни анча эрта экдилар, бунинг натижасида экилган маккажўхори дон бир ойгача, бирқанча жойларда эса ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақтгача униб чиқмай, тупроқда қолиб кетди, маккажўхори уруғлиги бир текисда униб чиқмади, униб чиққан маккажўхорини ўт босиб кетди, уруғлик ерда шунчалик узоқ вақт қолиб кетганидан кейин шундай бўлиши ҳам табиий эди.

Маккажўхори экишни яхши билган ва запас уруғликлари бўлган ба'зи колхозлар, раҳбарлар ва мутахассислар маккажўхорини сийрак чиққан ва ўт босиб кетган жойларга қайтадан экиб, тўғри иш қилдилар, чунки ўрта доирадаги районларда ҳатто июнь ойининг бошида экилган маккажўхори ҳам чорва молларни боқиш учун яроқли силосбоп яхши кўкпоя беради, зотан шу районларда силосбоп кўкпоя олишнинг ўзи ва, мумкин бўлган жойларда маккажўхори сўтаси донини пишиб етилтирмасдан, балки думбуллигида йиғиб олишнинг ўзи асосий вазифа қилиб қўйилган эди. Шуни яна бир марта эслатиб ўтиш керак, буни биз ҳаммамиз яхши билиб олишимиз ва назарда тутишимиз керак. Ўтган йил маккажўхорини қайта экиб ва уни парвариш қилишни уюштириб тўғри иш қилган колхозларнинг тажрибалари бу фикрни тўла равишда тасдиқлаб беради.

Ўтган йилнинг тажрибаси шу нарсани қайта ва қайта кўрсатдики, тажрибали ва ишнинг кўзини биладиган раҳбарлари бўлган, ёки ўзларининг шахсий тажрибалари бўлмаса ҳам, лекин раҳбарлари зийрак кишилар бўлганлиги учун кўп йиллардан бери маккажўхори экиш билан шуғулланиб келган бошқа хўжаликларнинг тажрибасига мурожаат қилиб, шу тажрибани ўрганиб олган колхозлар ва совхозлар фақат ўртача натижагагина эришиб қолмасдан, шу билан бирга, яхши натижаларга ҳам эришдилар. Ба'зи колхозларнинг, МТС ларнинг, совхозларнинг, район ва область ташкилотларининг раҳбарлари, ҳатто қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳам бу тажрибаларни чинакам ўрганишга ҳаракат қилмадилар ва маккажўхоридан мўл ҳосил олиш тадбирларини кўрмадилар. Улар энг осон йўлни топиб олиб, ба'зан ўзлари нимага да'ват қилаётганликларини билмасалар ҳам, маккажўхори фойдали экин деб уни экишга да'ват қилиш билан чекландилар, чунки маккажўхори етиштиришнинг фойдали эканлиги ва уни етиштириш усуллари тўғрисида уларнинг ўзлари ҳам аниқ билимларга эга эмас эдилар. Бундай ҳодимлар бу масалалари адабиётларни синчиклаб ўқиб чиққанларида эди, зарур бўлиб қолган тақдирда эса тажрибакор кишиларни чақириб, улардан маккажўхоридан мўл ҳосил олишни қандай қилиб яхшироқ ва тўғрироқ та'минлаш тўғрисидаги ўз тажрибаларини айтиб беришни ва буни ўз жойида кўрсатишни, бу ҳақда маслаҳат беришни илтимос қилганларида эди, жуда яхши иш қилган бўлур эдилар.

Шунинг учун ҳам бир областьнинг ўзида, бир районнинг ўзида, бирхил шароитдаги колхозларда маккажўхорининг ё ҳам ҳосил берганлиги ёки бутунлай нобуд бўлиб кетганлиги, худди шу шароитдаги бошқа колхозларда эса ўша йилнинг ўзида маккажўхори жуда яхши ҳосил берганлиги асло тасодифий эмас.

Владимир областидаги колхозларда маккажўхорининг кўкпоясидан паст ҳосил олинди, аммо шу областьнинг Ляховский районидаги «Луч коммунизма» колхозида эса 82 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳарбир гектаридан 188 центнердан кўкпоя олинди ва 25 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳарбир гектаридан, силосбоп маккажўхори поясидан ташқари 32 центнердан маккажўхори сўтаси ҳам олинди. Шу райондаги «Красная пойма» колхозида 26 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳарбир гектаридан ўрта ҳисоб билан 275 центнердан кўкпоя олинди, 8 гектар ердаги маккажўхорининг ҳарбир гектаридан, силосбоп маккажўхори поясидан ташқари, ўрта ҳисоб билан 40 центнердан маккажўхори сўтаси ҳам олинди.

Иваново областида маккажўхори кўкпоясининг ҳосили жуда паст бўлди, аммо шу областьнинг Аньковский районидаги Пушкин номли колхозида 20 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳарбир гектаридан 300 центнердан кўкпоя ва 20 центнердан сўта олинди.

Москва областининг Воскресенский районидаги «Парижская коммуна» колхозида маккажўхори 16—18 майда сортли уруғликлар билан экилди. Маккажўхори экилган ернинг ҳарбир гектарига маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди, эвинлар икки марта озиқлантирилди ва экинларнинг қатор оралари уч марта ишланди. Бундан ташқари ягана ва ўтоқ қилинди. Натижада колхоз маккажўхорининг ҳарбир гектаридан ўрта ҳисоб билан 66 центнердан сўта ва 212 центнердан кўкпоя олди. Шу районнинг ўзидаги «Знамя труда» колхозида маккажўхорига яхши қарамадилар. Маккажўхори экишни кечиктириб юбордилар ва уни экишга ўн кун вақт кетди, экинлар бир марта озиқлантиришди, қатор оралари икки марта ишланди, бир марта ҳам ягана қилинмади ва қўл билан ўтоқ қилинмади. Бу колхозда маккажўхори сўта бермади, маккажўхорининг ҳарбир гектаридан эса фақат 53 центнердан кўкпоя олинди.

Могилев областининг Киров районидаги «Рассвет» колхозида 1955 йилда 500 гектарга экилган маккажўхорининг ҳарбир гектаридан 350 центнердан кўкпоя ва кўп миқдорда думбул сўта олинди. Бу эса колхозга жамоат чорва молларини шарадор озуқалар билан та'минлаш имкониятини берди.

Молодечно областининг Глубокский районидаги Мичурин номли, Киров номли колхозлар, Минск областининг Слуцкий районидаги «Красный ударник», Столбцовский районидаги «За мир» колхозлари, Могилев областининг Шкловский районидаги Ленин номли колхоз, Гомел областининг Парич районидаги «Красная смена» колхози ва республиканинг бошқа бирлаб колхозлари 1955 йилда кўкпоя ва думбул сўта олишда маккажўхоридан мўл ҳосил олдилар. Айни вақтда бутун Белоруссия ССР да маккажўхоридан олинган силосбоп поянинг ҳосили жуда паст бўлди.

Волгабўйи ва Урал районларида ҳам маккажўхоридан яхши ҳосил етиштирган колхозлар оз эмас. Чувашистон АССРнинг Бурнар районидаги Сталин номли колхоз 170 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳарбир гектаридан 421 центнердан кўкпоя олди. Шу республиканинг Ялчик районидаги Ворошилов номли колхозда айрим участкаларда маккажўхорининг ҳарбир гектарида 660 центнердан кўкпоя етиштирилди. Свердлов областининг Каменский районидаги Фрунзе номли қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари 36 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳарбир гектаридан 400 центнердан кўкпоя етиштиришди, шу областьнинг Талицкий районидаги «Объединение» артелида эса маккажўхорининг ҳарбир гектаридан 540 центнердан кўкпоя етиштирилди.

Маккажўхори экиш мумкин эмас деб шу вақтгача ҳисобланиб келган Сибирьнинг бирқанча колхозларида бу экиндан мўл ҳосил олинди. Масалан, Чита областининг Улетовский районидаги «Победа» колхозида ва Шилкинский районидаги «Завет Ильича» колхозида маккажўхорининг ҳарбир гектаридан 440 центнердан тортиб 600 центнергача силосбоп поя олинди. Ҳатто 1955 йилда маккажўхори етиштириш учун об-ҳаво шароити айниқса ноқулай келган Архангельск областида ҳам айрим колхозлар маккажўхорининг ҳарбир гектаридан 100 центнергача етказиб силосбоп поя олдилар.

Ҳозирги вақтда Партия ва Ҳукуматнинг маккажўхорига алоҳида эътибор бераётганлигининг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, маккажўхори катта имкониятларга эга бўлган экиндир ва бу экинга эътибор берилган жойларда у мана шу эътиборга яраша жуда яхши натижалар беради. Шу сабабли ҳозирги вақтда оддий бир савол устида, яъни у ёки бу районга маккажўхори тўғри келадими ёки тўғри келмайдими, маккажўхори ўсадими ёки ўсмайдими, деган савол устида бош қотириб юриш керак эмас, чунки маккажўхори Совет Иттифоқининг ҳамма жойида экилмоқда ва ўсмоқда, лекин маккажўхорини яхши экишни ва яхши парвариш қилишни билган колхозларда, совхозларда бу экин яхши ўсмоқда. Чўчқа гўшти, мол гўшти етиштиришни кўпайтириш ва мамлакатни гўшт, сут, мой ва бошқа сут маҳсулотлари билан тўла та'минлаш соҳасида катта программани бажариш вазифаси олдимизда турган экан, колхоз ва совхоз чорвачилигини концентрат ва шарадор озуқалар билан зарур миқдорда та'минлашга маккажўхори катта хизмат кўрсатаоладиган экинлардан биридир, бунинг учун маккажўхорини эътибор билан экиш ва меҳр қўйиб парвариш қилиш керак, холос.

Бу йил область, район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, колхозлар, МТС лар ва совхозларнинг раҳбарлари маккажўхори етиштиришни анча кенгайтириш ишига юзаки раҳбарлик қилишдан иборат камчиликларни тугатишлари, бу масалани ўзлари яхши ўрганиб олиб, бу иш билан ўзлари конкрет шуғулланаоладиган бўлишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети мамлакат учун маккажўхори сингари жуда муҳим экинлар бўлган ва маккажўхори сингари яхши ҳосил олишга эришиш керак бўлган буғдой, жовдар, сули, кунгабоқар ва бошқа бирқанча экинларга ҳам бу Мурожаатда нима учун унчалик эътибор бермаётир, деган савол туғилиши мумкин. Лекин гап шундаки, бу экинларга етарли баҳо берилмаётганлиги учун шундай қилинаётгани йўқ. Бунинг сабаби шуки, бу экинлар мамлакатимизнинг ҳамма областьлари ва районларида эскидан экилиб келаётган экинлардир. Бу экинларнинг ҳосилини етиштиришни фақат мутахассислар ва раҳбарларгина эмас, колхозчиларнинг, МТС ходимлари ва совхоз ишчиларининг жуда кўпчилиги ҳам яхши билади. Бу экинларни экишдаги асосий вазифа фақат шундан иборатки, шу экинларни ўз вақтида яхши экиб олмоқ ва кейин уларни парвариш қилмоқ учун зарур бўлган тадбирлар та'минланиши ва бу тадбирларнинг бажарилиши устидан контрольдик қилиб турилиши лозим, холос, аммо шу экинларнинг ҳарқайсисини қандай қилиб тўғри экишни ва улардан қандай қилиб мўл ҳосил олишни қишлоқ хўжалик ходимлари яхши биладилар.

Аммо маккажўхори ҳақида бундай деб бўлмайди. Маккажўхори жуда кўп наф берадиган экиндир, аммо ҳамма ҳам маккажўхорининг шундай экин эканини билмайди ёки ёмон билади, уни ўрганиш керак. Мана шу усулларнинг ҳаммаси яхши тасвирлаб берилган адабиётлар бизда борми, китобчалар борми? Бунақа китобчалар бизда етарлик, фақат шуларни эринмасдан ўқиб чиқиш керак, шу усулларни ўрганишга ўзимизни мажбур қилиб, сўнгра одамларга ҳам ўргатишимиз керак. Шундай қилганимизда ишимиз ўнгидан келиши турган гап. Мамлакатдаги ҳарбир колхозни, ҳарбир бригадани ва ҳатто ҳарбир звенони малакали агрономия раҳбарлиги билан та'минлаш учун бизда имкониятлар борми? Ҳа, биздаги мавжуд қишлоқ хўжалик мутахассислари бу вазифани ҳал қилишимизга имконият беради. Бунинг учун маккажўхори экишнинг тўғри усулларини агрономларга, зоотехникларга, инженерларга ўз вақтида ўргатиш керак, холос. Шундай қилганимиздагина, уларнинг колхоз, совхоз ишлабчиқаришининг ҳамма участкаларига раҳбарлик қилиб туришларини та'минлай оламиз.

Мамлакатнинг ўрта доирасидаги районларда, шарқий районлар ва бошқа районларда картошка ва сабзавот экиш катта аҳамиятга эгадир. Картошка ва сабзавот тайёрлаш ва сотиб олиш нархларини анча ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан кўрилган тадбирлар туфайли, бу экинларга э'тибор берилган тақдирда, я'ни яхши уруғликлар ўз вақтида танлаб қўйилиб, яхши сифатли қилиб тайёрланган ерга ўз вақтида экилганида ва экинлар яхши парвариш қилинганида, картошка ва сабзавот жуда даромадли экин бўлиши мумкин.

Маҳаллий партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар, МТС лар ва совхозлар картошка ва сабзавот етиштиришга чинакам киришсалар, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, шу экинларнинг яхши ҳосилини кўпайтириш соҳасида с'ъезднинг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик плани тўғрисидаги Директивларида мўлжалланган даражага яқин икки-уч йил ичида эришилади.

Полиз экинлари ва мевалар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети шуни қайд қилиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдиларки, колхозларимиз, совхозларимизда қанд лавлаги етиштиришни ташкил этиш ишида ҳали ҳам кўпгина камчиликлар бор. Қанд ишлаб чиқариши кўпайтириш соҳасида мамлакатимизнинг катта имкониятлари борлигига қарамай ва бу муҳим озуқа маҳсулотига бўлган талаб ошиб кетганлигига қарамай, қанд лавлагининг ҳарбир гектаридан 191 центнердан ҳосил олди, аммо Липецк области фақат 119 центнердан, Курск области эса 102 центнердан ҳосил олди.

Партия XX с'ъезднинг қарорларида қанд лавлагининг ҳосилдорлигини анча ошириш ва шу билан бир вақтда қанд лавлаги экиладиган майдонни кенгайтириш, қанд лавлагининг яхши ҳосилини 1955 йилдагига нисбатан 54 процент кўпайтириш, қанд ишлаб чиқаришни 1960 йилда камида 6 миллион 530 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилди. Шуни айтиш керакки, биз бу ишга чинакам киришсак, бу вазифани анча олдинроқ бажариш мумкин.

Пахта етиштиришни кўпайтирмоқ учун бизда жуда катта резервлар бор. Кейинги йилларда пахтакор колхозларнинг қарийб учдан бир қисми пахтанинг ҳарбир гектаридан 10 — 15 центнердан ҳосил олмоқдалар. Шу колхозларда пахтанинг ҳосилдорлигини Совет Иттифоқидаги ҳосилдорликнинг ўртача даражасига етказилса, фақат шунинг ўзи бланинг пахтанинг яхши ҳосилини ҳар йил 600 — 700 минг тонна миқдорида кўпайтириш мумкин бўлади.

Тожикистон республикаси пахтанинг ҳосилдорлиги жиҳатидан бирнеча йилдан бери мамлакатга ўзини кўрсатиб келмоқда. Ўтган йил ҳам бу республика бошқа пахтакор республикаларга қараганда анча юқори ҳосил олди. 1955 йилда Тожикистон колхозлари пахтанинг ҳарбир гектаридан 25 центнердан зиёдроқ ҳосил бердилар, айни вақтда Ўзбекистон, Озарбайжонда пахтанинг ҳарбир гектаридан 19 центнердан, Туркманистонда 15,5 центнердан, Қозоғистонда эса фақат 11 центнердан ҳосил олинди. Тожикистон пахтакорлари бу ярлиган натижалари билан тўхтаб қолмайдилар ва пахта ҳосилдорлигини янада оширши учун курашни давом этирадиларки, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон ва айниқса Қозоғистон пахтакорлари астойдил бел боғлаб ишламоқлари керак. Барча пахтакор республикаларда пахтанинг ҳосилдорлигини ошириб, Тожикистон колхозлари ва совхозлари эришган даражага етказиш мамлакатда саноатимиз учун ва меҳнаткашларнинг газламаларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун шу қадар зарур бўлган пахтанинг яхши ҳосилини кескин равишда кўпайтириш имкониятини беради.

Марказий Комитет ва СССР Министрлар Совети техника экинларини квадрат ва квадрат-уялаб экишга ўз вақтида тайёргарлик кўришга катта аҳамият берадилар. Чунки бу экинларнинг қатор оралариии узунасига ва кўндаланигига ишлаш имкониятини беради. Шуни назарда тутиш керакки, шу экинларни шу таҳлитда экишни талаб қилади. Шуни назарда тутиш керакки, шу экинлардан кам меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил олишга эришишнинг катта имконияти шундадир, лекин бунинг учун техникани тахт қилиб қўйиш, экишни агротехника қоидаларига мувофиқ равишда ва сифатли қилиб ўтказиш керак, токи экқан вақтда чинакам квадрат вужудга келсин, бунинг натижасида қатор оралариии узунасига ва кўндаланигига ишлаш, шундай ишлаганда ўсимлик тупларини эзиб кетмаслик ва сийракларнинг кўпмаслик имконияти туғилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга сарфланадиган меҳнат ва маблағларни мумкин қадар камайтириш зарурлигига маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз, МТС ва совхоз раҳбарларининг алоҳида э'тиборини жалб қиладилар. Шу сабабли МТС ларда, совхозларда ва колхозларда бўлган қишлоқ хўжалик машиналари ва асбобларидан фойдаланишни яхшилаш керак, барча қишлоқ хўжалик ишларини, айниқса чорвачиликдаги ишларни механизациялаштириш даражасини ошириш керак; колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари меҳнатини ташкил этишни яхшилаш ва уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда колхозларда, МТС ларда ва совхозларда ма'мурий бошқарув аппаратини мумкин қадар кўпроқ қисқартириб, бўшаб қолган ходимларни эса бевосита ишлабчиқаришга юбориш керак.

Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бу йилнинг ўзидаёқ кўпгина республикалар, ўлкалар ва областьлар гўшт ва сут етиштиришни анча кўпайтириш соҳасида катта иш қилдилар, деб ҳисоблайди. Воронеж областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш соҳасида социалистик мусобақа бошлашда ташаббусчи бўлиб чиққанликлари ва 1956 йилда колхозларда ва совхозларда гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтириш, я'ни олтинчи бешйиллик планда белгиланган топшириқни беш йил ўрнига бир йилда бажариш, сут етиштиришни эса бир ярим йил ичида икки баравар кўпайтириш мажбуриятини ўз зиммаларига олганликлари ҳақида матбуотда ёзилиб ўтилди. Воронеж колхозчилари, МТС, совхозларининг ходимлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни шараф билан бажарадилар деишга ҳамма асослар бор. Хўжалик йилининг 1 октябрьдан 1 мартгача бўлган беш ойи мобайнида Воронеж области колхозларида ҳарбир соғин сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 203 процент бўлди, соғиб олинган яхши сутнинг миқдори эса 2,2 баравар кўпайди. Шу область колхозларида боқувга қўйилган чўчқалар 1 мартда 57 минг бошга етди ёки ўтган йилдагига қараганда уч баравардан зиёдроқ кўпайди.

Украина ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олдилар. Украина колхозлари ва совхозлари 1956 йилдаёқ ўтган йилдагига нисбатан гўшт етиштиришни икки баравар, чўчқа гўшти етиштиришни уч баравар кўпайтирадилар, сут олишни эса бутун республикада бир ярим баравар кўпайтирадилар. Бу йилги хўжалик йилининг беш ойи мобайнида Украина ССР колхозларида сут етиштириш қариб икки баравар кўпайди. Боқувга қўйилган чўчқалар 1956 йилнинг 1 мартида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 3,6 баравар кўпайди. Бу эса Украина ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ўз мажбуриятларини шараф билан бажаришларига тўла ишонч туғдиради. Украина қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг талабаси шунинг учун ҳам мамлакатда озиқ-овқатни мўл-кўл қилиб вужудга келтириш ишига қўшилган катта ҳисса бўладики, Украина ССР колхозлари ва совхозларининг СССРда сут ва гўшт етиштириш ва тайёрлашдаги салмоғи анча каттадир.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, МТС ларнинг, илмий-текшириш муассасаларининг, тажриба станцияларининг ходимларига, агрономларга ва зоотехникларга, қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига ва мутахассисларига

М У Р О Ж А А Т

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Краснодар ўлкасининг колхозлари, МТС лар ва совхозлари олтинчи бешйилликнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги топшириқларини бажариш тадбирларини ишлаб чиқдилар: улар 1957 йилда 1955 йилдагига нисбатан дон етиштиришни 1,5 баравар, шу жумладан маккажўхори етиштиришни 2,5 баравар кўпайтиришга, гўшт етиштиришни 2,7 баравар, шу жумладан чўчқа гўшти етиштиришни 4,6 баравар, сут олишни икки баравар, туҳум етиштиришни 4,6 баравар кўпайтиришга аҳд қилдилар.

Тамбов, Белгород, Рязань, Курск, Иркутск ва бошқа бирқанча областьларнинг колхозчилари, МТС ва совхозларининг ходимлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида катта-катта мажбуриятлар олдилар ва бу мажбуриятларни муваффақият билан бажармоқдалар. Агар бошқа республикалар, ўлкалар ва областьларнинг ҳам қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари илғорлардан ўрнак олиб, шундай қилсалар, ишонч билан айтиш мумкинки, сут ва гўшт етиштириш соҳасида олтинчи бешйиллик планда бутун мамлакат учун белгиланган топшириқ икки йилда, энг кўп деганда уч йилда бажарилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шу нарсани айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдиларки, гарчи бизнинг хўжалигимиз планли хўжалик бўлса ҳам (шундай бўлмаганда эди биз ҳеч қачон шундай катта натижаларга эришмаган бўлур эдик ва мамлакатимиз халқ хўжалигининг у ёки бу тармоқларида қийинчиликларга ва диспропорцияга муттасил дуч келаверар эдик), лекин шунга қарамай, планлаштиришдаги камчиликлардан ҳали ҳам қутилганимиз йўқ, кўп ҳолларда тузилган планлар қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ равишда ўз ичига олмайди ва кўпинча қўшни колхозлардаги, районлардаги ёки областьлардаги планларга ва ҳақиқатда олинган маҳсулотларга нисбатан анча кам, бирқанча ҳолларда эса жуда кам бўлиб чиқади.

Брок, ношуд раҳбарлар планларнинг камайтирилган планлар эканлигини кўра-била туриб, мана шундай планларнинг бажарилганлигига маҳлиё бўлиб юраверадилар. Айниқса қолоқ колхозларнинг, МТС ларнинг, совхозларнинг, районларнинг областьларнинг раҳбарлари шундай қиладилар, кўпинча улар ўзларининг асосий вазифаларини ишлаб чиқаришнинг савияси паст эканлигига нималар сабаб бўлаётганлигини текшириб, билиб, хўжаликни юксалтиришнинг конкрет тадбирларини белгилашга сарфламасдан балки ўзларининг қолоқликларини ҳархил об'ёктив ва суб'ектив сабаблар билан асослашга сарфлайдилар.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш имкониятларидан нақадар хилма-хил фойдаланилаётганлигини қуйидаги мисоллардан билиб олиш мумкин:

Латвия ССР колхозлари бу йилги хўжалик йилининг беш ойи мобайнида қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда, 32 центнердан сут олдилар, Эстония ССР колхозлари 28 центнердан сут олдилар, аммо шу республикаларнинг қўшниси бўлган Литва ССР колхозлари эса қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда фақат 8 центнердан сут олдилар ва Белоруссия ССР колхозлари эса 9 центнердан сут олдилар.

Худди шунингдек Свердлов области колхозларининг 1955 йил 1 октябрьдан то 1956 йил 1 мартгача, ҳар юз гектар экинзорга ҳисоблаганда давлатга ва кооперацияга 351 центнердан чўчқа гўшти топширганлари ва сотганлари ҳолда Молотов области колхозлари эса фақат 168 центнердан чўчқа гўшти топширганликлари ва сотганликларининг сабабини нима билан изоҳлаш мумкин.

Сут ва гўшт етиштириш соҳасидагина эмас, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам бунақа мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Шу сабабли бизнинг вазифамиз шуки, биз минимал планларни асослашга ва сўнгра шу планлар бажарилди деб тантана қилишга интилмасдан, балки планларимизнинг бор имкониятлардан энг кўп фойдаланишга асосланиб тузилишига ва шу йўл билан далачилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларининг ҳамма турларини етиштиришни кескин равишда кўпайтиришга интилишимиз кераклигини партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхозлар, МТС лар ва совхозларнинг раҳбарлари тушуниб олишлар. Бу энг муҳим, асосий вазифадир, чунки биз, шу маҳсулотларни етиштириш минимуми билан қаноатланишимиз мумкин эмас. Биз мамлакатимиз ихтиёжларини тўла қондириш йўлини тутишимиз лозим. Партия ва ҳукумат томонидан кўрилган тадбирлар натижасида иш ҳақининг систематик равишда ўсиши та'минланаётган ҳозирги вақтда шундай қилиш айниқса зарурдир. Хўжаликнинг ҳамма тармоқлари ниҳоят даражада ўсиб кетаётганлиги натижасида мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаётган аҳолини соғи кўпайиб бормоқда. Аҳоли йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва шу сабабли реал иш ҳақининг ўсиши эса халқимизнинг моддий ва маданий фаровонлигини яхшилашдаги энг муҳим ва асосий шартдир, товарларни ва аввало қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини етказиб берадиган товарларни керакли миқдорда ва яхши сифатли қилиб, арзон нарх билан бериб туриш зарур.

Партия Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш тўғрисида шу Мурожаатда қўйилган вазифалар олтинчи бешйилликнинг биринчи йилида муваффақиятли равишда ҳал қилиниши мумкин деб ҳисоблайдилар. Чунки ҳозир бизда ҳамма экинлардан мўл ҳосил олмоқ ва мамлакатни дон, гўшт, сут, картошка, сабзавот мева, резавор мевалар ҳамда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг бошқа маҳсулотлари билан зарур миқдорларда та'минламоқ учун лозим бўлган шарт-шароитнинг ҳаммаси бор.

Далачилик ва чорвачилик маҳсулотларининг кўпгина турларини етиштиришда колхозлар ва колхозчиларнинг, МТС ва совхоз ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан етарли тадбирлар кўрилди. Ҳозирги вақтда деярлик ҳамма маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиб олиш учун шундай нархлар белгиландики, ҳосил яхши бўлган тақдирда ва чорвачиликнинг маҳсулдорлиги оширилган тақдирда бу нархлар колхозлар ва совхозларнинг шу маҳсулотларни етиштиришга сарфлаган моддий ва меҳнат харажатларини тўла равишда қоплабгина қолмасдан, шу билан бирга, кенгайтирилган тақрор ишлабчиқариш учун, колхозлар ва колхозчиларнинг натура ва пул даромадларини кескин равишда ошириш учун катта жамғармалар тўплаш имкониятини ҳам вужудга келтиради. Кейинги икки йил ичида мамлакатимизда машиналарнинг сони кескин равишда кўпайди, қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришида, айниқса далачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаш даражаси оширилди. Шу вақт ичида шаҳарлар ва саноат марказларида юқори малакали ходимлардан кўпгина кишилар колхозларга, МТС ларга ва совхозларга юборилди. Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигининг кескин равишда ва тез юксалиши учун кўпгина тадбирлар кўрган ҳозирги пайтда бутун иш шундан иборатки, ҳарбир колхозчи, МТС ва совхознинг ҳарбир ходими ўз ишига яна ҳам яхшироқ муносабатда бўлиши, XX с'езд қарорларини бажариш устида муттасил ўйлаши ва фидокорона меҳнат қилиши лозим. Бу—халқимизнинг турмуш даражасини ошириш учун, Ватанимизнинг қудратини ошириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш, мамлакатни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан, қайта ишловчи саноатни эса хомаш'ё билан та'минламоқ учун ҳамда ишчилар эса қишлоқ хўжалигидан зарур бўлган ҳамма нарсаларни олиб, меҳнат унумдорлигини кўтаришлари ва саноат маҳсулотини, қишлоқ хўжалик машиналарини, шунингдек шаҳар меҳнаткашларига ҳам, қишлоқ меҳнаткашларига ҳам баббаравар зарур бўлган кенг исте'мол молларини янада кўпроқ ишлаб чиқаришлари учун зарурдир. Бу—совет халқимизнинг сиёсий ва ижтимоий эркинликлардан ма'навий ва руҳий қаноатланиши моддий-маиший ва маданий хизмат кўрсатишнинг яхшиланиши билан ой сайин, кун сайин тобора тўлиқроқ бўлиши учун, капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари бизнаги совет кишиларининг турмушига қараб, бизнинг ижтимоий, давлат ва сиёсий тузумимизнинг афзалликларини яққол кўриб ишонишлари, меҳнаткаш халқ ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб олган жойларда инсоният ўзи учун нималар яратиши мумкинлигига ишонишлари учун зарурдир.

Агар биз ҳаммамиз вазифаларни бажаришга ҳарқайсимиз-ишчилар, колхозчилар, инженерлар, техниклар, агрономлар, зоотехниклар ва бошқа мутахассислар ўз участкамизда аҳил бўлиб ишга киришсак, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва меҳнаткашларимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш вазифаси муваффақият билан бажарилиши ва олтинчи бешйилликнинг биринчи ҳал қилувчи йили бутун олтинчи бешйиллик планнинг ошири билан бажарилиши учун яхши почин бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Министрлар Совети

1956 йил 7 апрель. Москва шаҳри.

СИРДАР'Ё ЖИЛОВЛАНДИ

ҚАЙРОҚҚУМ ГЭС СТРОЙ. 7 апрель. (**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан телефон орқали олинди**). Бу ерда, қадимий Сирдар'ёнинг пасти-баланд соҳилида, олтинчи бешйилликнинг тўнғич иншоатларидан бири бўлган гидроэлектростанция ва сув омбори қурилишида ажойиб меҳнат зафарлари қўлга киритилмоқда. Қурувчилар, энергетиклар, ирригаторлар, механизаторлар азим дар'ёни тўсиб, унинг ҳаётбахш сувини Котлованга буриб юбориш учун кечаю-кундуз юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар.

Дар'ё устига қурилган фонтан кўприк атрофида қурилиш ишлари тобора қанот ёзмоқда. Бу ерда кеча ва бугун жуда кўп қурувчилар бўлди. 6 апрель кундуз соат 4 да дар'ёни тўсиш бошланди. Минск ва Ярослав самосвалларни парчаланган қоя тошларини, катта харсангларни дар'ёга ағдара бошладилар. Дар'ёни тўсиш учун махсус тайёрланган 5 тоннали заранг бетонли пирамидалар, қуйма кубиклар фонтан кўпригидан сувга қараб гумбурлаб туша бошлади. Ишнинг кўлами тобора кенгайиб борди, қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмас эди. Ҳамма дар'ёни батамом тўсиш, таслим қилиш учун курашарди.

Қурилиш кечаси зўр ижодий меҳнат билан ўтди. Дар'ёнинг иккала соҳилида ва фонтан кўприкда машиналарнинг кети узилмади. Ҳарбир шофер, бульдозерчи, экскаваторчи, кранчи ўз нормасини ошириб бажаришга ҳаракат қиларди. Сменалар ортидан сменалар ишга тушиб, дар'ёга ҳужум бошланди. Самосвал автомашиналарнинг шофери Александр Васильевич Никитин дар'ёга харсанг ағдариш нормасини икки баробар ошириб бажарди. У смена нормасини бажариб, дам олишга қайтиб кўп вақт ўтмай яна дар'ё бўйига келди, дар'ёнинг инсон иродасига бўйсуниб таслим бўлаётганлигини зўр ифтихор билан тамоша қилди. Дар'ёга ётқизилган тошлар устидан ўтиб ўз машинасига ўтирди. Никитин бугун машинага дам бермай, дар'ёга харсанг ағдармоқда. Унинг шериклари С. Сидоров, С. Жалилов, В. Асанов ва Х. Боковлар ҳам шағал ва харсангларни дар'ё тубига пайдар-пай ағдармоқдалар.

Қурувчилар ҳаётида 2 та тантанали воқеа юз беради. Биринчиси — дар'ёнинг батамом таслим бўлиши бўлса, иккинчиси турбиналарни ҳаракатга келтириш вақтидир. Қурувчилар ҳозир ана шу биринчи шодлик тантаналарини, дар'ёнинг таслим бўлишини зўр ҳаяжон билан кузатиб ишламоқдалар.


Бундан бир кун илгари дар'ё ўзининг эски йўлидан кенг қулоч ёзиб оқмоқда эди. Қирғоқдан қараган киши тўлқин отиб, мавжланиб, тез оқаётган дар'ёни жиловлаш осон бўлмаса керак, деб ўйларди. Дар'ё ҳамон ёйилиб, одамларни ўз яқинига келтирмай, гирдоб ўйнаб оқарди. Дар'ёга ағдарилган биринчи харсанг кўмилиб, кўздан гойиб бўларди. Дар'ё худди: бағрим кенг, қанча нарса бўлса ҳам кўмиб юбораман, дегандай ағдарилган харсангларни ютарди. Брок, машиналарнинг кети, кишиларнинг ҳужуми тўхтамади, кетма-кет ағдарилаётган харсанглар дар'ё барини маҳкам тутиб, уни тўхтатишга, таслим этишга мажбур этабошлади. Кундуз соат 4 дан кечаси соат 4 гача бўлган вақт ичида 2.880 кубометр ҳархил катталикдаги харсанглар тўкилди. Бундан ташқари ҳарбири 5 тоннали 250 та пирамида ва 2 ярим тоннали 150 та қуйма бетон куб дар'ёга ағдарилди. Тун ярим бўлганда азамат қурувчилар зўр тантана дақиқаларини кечириб, дар'ё белидан тасмадай ўтган харсанг тўсиқларни завқ билан тамоша қилардилар.

Дар'ёга ҳужум кеча асосан фонтан кўприк устидан олиб борилди. Кучли самосвал машиналар ўз оғир юкларини кўприк устидан ағдардилар. Бугун эрта билан дар'ёни тўсиш усули ўзгарди. Кўприкдан ташланган харсанглар уйилиб, кўпайиб сувдан кўринмай қолгач, дар'ёнинг икки соҳилидан ҳужум бошланди. Ҳозир харсанглар кўприк устидан эмас, балки қирғоқдан ётқизилмоқда. Самосваллар ўзлари очган дамба йўлдан қатнаб ишламоқдалар.

Қирғоқдан дар'ё ўртасига бошланган харсанг йўл мураккаб қийин бўлишига қарамай, тобора узайиб қарши қирғоқдан бошланган йўлга қараб қўл чўзиб бормоқда. Бу қўл туташгандан кейин ҳеч қандай куч уни ажратаолмайди, я'ни дар'ё эски йўлига қайтаолмайди. Дар'ё янги изтан — сув омбори манбаидан оқади ва чексиз энергетика қувватини Ватанга бағишлайди, қақроқ чўлларни суғориш учун каналлар бўйлаб узоқ кенгликларга интилади.

Соҳилдан йўл очиб дар'ёга ўрнатилган дамбани мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, иккитомонлама бирлаштириш ишлари кучли техника воситаси билан бажарилмоқда. Дар'ёнинг ҳар икки соҳилида ўнлаб бульдозерлар ва юзлаб самосвалларга тўхтовсиз ишламоқда.

Дамба қурилаётган жойда тош-шағал уюмлари тоғ бўлиб ётипти. Буни қурувчилар банкент дейдилар. Бу уйиб ташланган қад-қомасбсиз шағал дар'ёни тўсиш учун бошқа жойлардан келтирилган. Ҳозир шағал тоғи устида 2 бульдозер ва унинг этагида, дар'ё бўйида бир бульдозер гир айланиб ишламоқда. Бульдозерчи Иван Евдокимович Овчинников рулни маҳкам бураб бульдозернинг пўлат кўкрагини олдинга суриб, самосвалларга ағдараётган харсангларни дар'ё ичкарисига ўтган йўлга қараб суриб бормоқда. Шағал тоғида икки бульдозер лочиндек кенг қанот ёзиб, дар'ё қа'ригача шағал буюмларини суриб туширмоқда. Кимдир тоғ тепасида ишлаётган бульдозерларни кўрсатиб, ҳақиқий лочинлар, деди. Бу сўзнинг чуқур ма'носи бор. Қадим замонларда бу ерда ва унинг атроф теварагида ҳечким яшамаган. Бу ерлар фақат лочинлар қўниб яшайдиган жой бўлган. Шунинг учун бу ерни лочинхона деб атаганлар. Лочинлар бу қирларга қўниб, дар'ё тўлқини ва сув бетларида силкиниб кўздан гойиб бўлган балиқларнигина кўришдан бошқа нарсани билмаганлар. Эндиликда бу ерда табиатни ўзгартируви ажойиб совет кишилари, 37 миллат фарзандлари, дар'ёни забт этучи



Суратда: Қайроққум ГЭС қурилишида (ЎзТАГ фотохроникаси).

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

баҳодир лочинлар ишламоқдалар. Тоғ тепасида ишлаётган икки бульдозерни Раҳимжон Шарипов ва Иван Яковлевич Валесский бошқариб бормоқда. Улар уйилган шағалларни дамба-дам тўплаб, пўлат кўкраклари билан суриб дамбага ағдармоқдалар.

Марғилонлик ўзбек йигити Раҳимжон ёшлик чоғидан бульдозерда ишлаб келмоқда. У Вахш водисидаги Куйбишев номли машҳур пахтачилик совхозида ҳам бульдозерчи бўлиб ишлаган. Дўнг тепаларни текислаб, янги экинзорларни яратишда кўп хисса қўшиб келган. Раҳимжон Қайроққум ГЭСи қурилиши билан ишлаш учун ариза берган эди. Ариза қабул қилинди. У 3 йилдан буён бу ерда бульдозерчи бўлиб ишламоқда. ГЭС қурилишининг раҳбарлари Шариповни энг яхши бульдозерчиларимиздан бири деб айтадилар. Шарипов ажойиб шериги Иван Валесский билан ёнма-ён туриб ишламоқда. Улар муҳим участкада кунлик топшириқни икки баравардан ошириб бажармоқдалар. Бульдозерчи Юрий Михайлович Черкашин ҳам ўнг соҳилда юксак меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқда.

Дар'ё тўсилиши билан сувнинг кўтарилиши бошланмоқда ва оқава тўғонга қараб унинг оқими тезлашмоқда. Инженерлар дамбанинг бир томонидаги сув сатхи иккинчи томонидаги сув сатхидан бир ярим метрга яқин баланд бўлишини сўзлайдилар. Бу—сувнинг таслим бўлганлигидан дарак беради. Бу—халқимизнинг қадим орзулари рўёбга чиқаётганлигининг ёркин тантанасидир.

Дар'ё батамом тўсилгандан кейин землесослар ва гидромониторлар ишлай бошлайдилар. Улар дамбани қуйи ва устки қатламларидан бирнеча юз минг кубометрлик қумларни тозалаб, тўғонни занжирбанд қилиб мустаҳкамлайдилар. Дамба ёнидан янги сув йўли ўтади. Бу йўлдан турбиналарга сув берали. Ҳозир икки агрегат ўрнатилмоқда. ГЭС бу йил мамлакатга биринчи электр қувватини беради.

ГЭС Ўзбекистон ва Тожикистон шаҳар ва қишлоқларига нур беради, юқоривольтли симлар орқали Тошкент корхоналарига электр қуввати беради. Ҳозир металлдан ишланган массалар линияларга ўрнатилмоқда.

Сув омбори қурилиши билан Исписор, Мирзачўл даштларини суғориш ва янги экинзорларни барпо қилиш имконияти туғилади. Ленинобод районининг Сомғар ва Хўжабақирғон массивидаги 35 минг гектар бўз ерлар ўзлаштирилади. Қайроққум ГЭСи қурилиши билан халқ хўжалигини янада ривожлантиришда янги имкониятлар яратилади. Қайроққум ГЭСи қурилиши халқлар дўстлигининг ёркин тимсолидир. Бу ерда рус, тожик, ўзбек, украин, татар ва бошқа турли миллат фарзандлари қўлни-қўлга бериб, ажойиб ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар.

Ҳозир Қайроққум ГЭС қурилишида дар'ёни батамом тўсиш ва унинг қудратли оқимини оқава тўғонга буриб юбориш муносабати билан 8 апрельда ўтказиладиган тантанали митингга тайёргарлик қурилмоқда. Тожикистон ва Ўзбекистон пойтахтларидан партия, ҳукумат раҳбарлари ва меҳмонлар келмоқдалар. Азамат қурувчилар бу кунни янги меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

Камқувват ва камҳосилли колхозларни илғорлар даражасига кўтарайлик

Партиямизнинг XX с'езди совет деҳқончилиги олдига мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни хомаш'ё билан мўл-кўл та'минлаш вазифасини қўйди. Бу вазифанинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳарбир районда умумий юксалишга эришишга, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосилини оширишга боғлиқдир. Чорвачиликни ривожлантириш ҳамда ундан олинаётган маҳсулотнинг миқдорини кўпайтиришни та'минлаш лозим. Бу соҳада камқувват, камҳосилли колхозлардаги ички резервларни тўла-тўкис аниқлаш ва ишга солиш, уларни ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан илғор колхозлар даражасига кўтариш катта аҳамиятга эгадир. Партия ташкилотлари ана шу масалани моҳирлик билан ҳал қилишлари, унинг йўлини тўғри белгилашлари лозим. Ҳарбир колхознинг реал имкониятини, у ердаги маҳаллий шарт-шароитни тўла ҳисобга олган ҳолда иш кўриш керак.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, район миқ'ёсида умумий кўтарилишга эришиш учун юқори ҳосилли бирнеча колхозга ишониб иш кўриш ва камқувват, камҳосилли колхозларни э'тибордан четда қолдириш асло мумкин эмас. Буни бизнинг районимиз мисолида кўриш мумкин.

Ўтган йили районда 7150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга пландаги 26,5 центнер ўрнига 21,6 центнердан пахта топширилди. Бунинг сабаби шундан иборат бўлдики, райондаги барча колхозларда пахтадан юқори ҳосил олинмади. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Будённий номли, Ленин номли, «Қизил Октябрь» колхозларида гектаридан 25—30 центнер ва ундан ҳам зиёд ҳосил олинган бўлса, Шверник номли колхозда ҳар гектар ердан 8,5 центнердан, Ворошилов номли колхозда 13,1 центнердан, Молотов номли колхозда 17,4 центнердан ҳосил олинди. Бу уч колхоз давлатга пландагига нисбатан ўнларча тонна пахтани кам берди.

Колхозларда ҳосилнинг бу қадар паст

С. СОЛИМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон КП Чиноз район комитетининг секретари.

бўлиши колхоз ва колхозчиларнинг даромадига жуда катта та'сир қилди. Бу колхозларнинг экономикаси жуда кучсизланиб қолган.

Шверник номли, Ворошилов номли, Молотов номли колхозларнинг қолоқ бўлиб қолишига фақат биргина ўтган йили пахтадан кам ҳосил олингани эмас, балки узоқ вақт давомида қишлоқ хўжалик экинларидан ҳосил олиш планининг сурункасига бажарилмай келгани, чорвачилик етарли ривожлантирилмай, унинг маҳсулдорлиги пастлигича қолиб келгани сабаб бўлди. Район партия, совет ташкилотлари эса бу колхозларга раҳбарлик қилишда юзакичиликка йўл қўйдилар, амалий ёрдам ўрнига умумий гаплар билан чегараланиб келдилар, уларнинг экономикасига чуқур аралашмадилар, қолоқликдан чиқариш юзасидан зарур чоралар кўрмадилар.

Район партия комитети камқувват, камҳосилли колхозларнинг қолоқлик сабабларини атрофлича ўрганиб чиқди ва уни бартараф қилиш йўлларини белгилади.

Мисол учун, Шверник номли колхозни олайлик. Колхозда ишга яроқли 115 колхозчи бор. Ўтган йили колхозда чорвани ҳисобга олмаганда, экилган экин майдони ҳарбир кишига ўрта ҳисобда 5,5 гектардан тўғри келган. Колхоз ерининг рельефи ўзига хос хусусиятга эга. Трактор культивацияси бир томонга юриб, ер қия бўлгани учун иккинчи томонга юраолмайди ва натижада бир гектар ғўзага ҳам трактор билан иккитомонлама ишлов берилмади. Шундай бўлгач, ўз-ўзидан ма'лумки, колхозда ғўза ва бошқа экинларнинг парвариши кўнгилдагидек ўтказилмади. Пахтадан кам ҳосил олинишининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу бўлди.

Планлаштирилган 67 гектар янги беда ва 6 гектар маккажўхорининг экилмай қолиши, 65 гектар эски беданинг етарли парвариш қилинмай, ундан кам ҳосил олиниши сабабли колхозда ўтган йили 394 ўринга фақат 71 тонна ем-хашак тайёрланди. Колхоз фермасида эса 350 га яқин қорамол ва қўй-эчки бор. Чорва молларидан кам маҳсулот олинмоқда. Ўтган йили ҳарбир соғин сигирдан фақат 400 литрдан сут соғиб олинди. Колхоз давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини бажараолмади. Ворошилов номли, Молотов номли колхозларда ҳам чорвачилик соҳасидаги аҳвол бундан яхши бўлмади.

Камқувват, камҳосил колхозларни илғор колхозлар даражасига кўтаришга ва деҳқончилик соҳасида тажрибата эга бўлган кадрлар билан мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам биз ишни ана шундан бошладик.

Район партия комитети Шверник номли колхоз раислигига юқориҳосилли «Қизил Октябрь» колхози партия ташкилотининг секретари, қишлоқ хўжалик ма'лумотига эга бўлган коммунист ўртоқ Тўрабек Назруллаевни тавсия этди. Колхоз а'золари уни раисликка сайладилар. Колхоз коммунистлари олий ма'лумотли агроном ўртоқ Фаут Сидиқовни колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари қилиб сайладилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бригада бошлиқлари составини қайта кўриб чиқдилар ҳамда уни тажрибали пахтакорлар ҳисобига мустаҳкамладилар. Колхоз бошланғич комсомол ташкилотининг собиқ секретари ўртоқ Темирбоев чорвачилик фермасида ишлаш учун юборилди. У, ҳозир фермага раҳбарлик қилаётир.

Колхоз партия ташкилоти ва правлениеси экинларни жойлаштириш планини ишлаб чиқди. Колхозда бу йил 350 гектар ерга чигит экилади. Колхоз а'золари ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Бундан ташқари чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари белгиланаётир. Колхозда бу йил эски беданинг ҳаммасини яхши парваришлаш, 40 гектар ерга маккажўхори ва арпа билан аралаштириб янги беда экиш планлаштирилди. Шунингдек, силос учун 40 гектар ерга маккажўхори, 3 гектар ерга хашаки давлати экилади. Бунда 3000 центнер кўкпоя, 2800 центнер беда ва 600 центнер хашаки давлати тайёрлаш кўзда тутилади.

МТС колхозга иккита янги ва битта капитал ремонт қилинган ДТ—54 маркали трактор юборди. Колхозда бу йил 9 та универсал трактори ишлайди.

МТС партия ташкилоти ва дирекцияси бу колхозда ишлайдиган трактор бригадасини тажрибали тракторчилар ҳисобига мустаҳкамлади. Ўтган йили «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида ишлаб ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил етиштирилишини та'минлаган ўртоқ Умархон Азимов трактор бригадасига бошлиқ қилиб тайинланди. МТСда илғор тракторчилар ҳисобланган комсомол а'золари Пардавой Наштанов, Мурод Ғуломов ўртоқлар бригадада ишлаш учун юборилди.

Колхоз давлатдан бу йил 214 тонна фосфор ва 136 тонна азот олади. Минерал ўғит сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларга қилинадиган ҳаражатлар учун қишлоқ хўжалик банкаси колхозга узоқ муддатли ссуда берди.

Райондаги бақувват колхозларнинг қолоқ колхозларга оталиқ ёрдами уюштирилди. Шверник номли колхозни Будённий номли колхоз оталиққа олди. Колхоз партия ташкилоти ва правлениеси ўз оталигидаги колхозга пахтачилик, чорвачиликни ривожлантиришда яқиндан ёрдам бериш тадбирларини ишлаб чиқди. Айниқса колхоз ерининг тузилиши ноқулай бўлгани учун трактор билан иккитомонлама ишлов бериш мумкин бўлмайдиган майдонлардаги ғўзани парвариш қилишда ўз от культивацияси ва ишчи кучи билан ёрдам беради.

Районимиздаги богдорчилик совхози эса ўз кучи билан колхозда 10 гектар боғ ташкил қилиб беради.

Район партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг Ворошилов номли, Молотов номли колхозларни илғор, юқориҳосилли колхозлар қаторига кўтариш юзасидан кўраётган тадбирларига келганда ҳам худди шуларни айтиш мумкин.

Районимиз колхозларига, айниқса камқувват колхозларга Тошкент шаҳар, Москва район партия, совет, хўжалик ташкилотлари ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Область ижроия комитети, «Ўзремвес» Шверник номли колхозга уруғлик чигит, минерал ўғит ташиб олишда катта ёрдам бераётирлар.

Деҳқон кези келганда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ўз отаолигидаги Ворошилов номли колхозга ўттан йиллардагги каби бу йил ҳам бирон амалий ёрдам кўрсатмаётир.

Район партия комитети МТС зонаси бўйича инструкторлик группасининг асосий э'тиборини камқувват ва камҳосилли колхозларга раҳбарликни кучайтиришга, ташкилий ва сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишга қаратди.

Ўтган йиллари камқувват ва камҳосилли Шверник номли, Ворошилов номли ва Молотов номли колхозларга инструктор ўртоқ Содиқбоев, қолган икки инструктор эса бақувват ва ўрта даражали колхозларга биркитиб қўйилган эди. Ҳозир эса ҳарбир инструктор биттадан бақувват, ўрта даражали ва камқувват колхозга биркитиб қўйилди. Бундан мақсад илғор колхоз партия ташкилотининг ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш, пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш, омма билан ишлаш ва уни тарбиялаш соҳасида ортдирган тажрибасини оммалаштиришдан, камқувват ва камҳосилли қолхозлар партия ташкилотининг ҳам ўз ишини ана шу асосда ташкил этишда ёрдамлашишдан иборатдир.

Инструкторлик группаси колхозларнинг партия ташкилотларига колхоз кадрлар составини қайта кўриб чиқишда, бригада ва звеноларни, фермаларни тажрибали ва ташкилотчи кишилар билан мустаҳкамлашда, колхозчиларнинг агрозоотехника ўқишини ташкил этиш ва уни ўтказишда ёрдам берди.

Инструкторлар ёрдами билан колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари кўклам экин кампаниясига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш даври учун ташкилий-оммавий-сиёсий ишлар планини тузиб чиқдилар. Ҳозир иш ана шу план асосида олиб борилмоқда.

Барча колхозларнинг бошланғич партия ташкилоти ҳузуридаги агитколлективларнинг составини қайта кўриб чиқилди ва улар коммунист ҳамда комсомоллар ҳисобига тўлдирилди. Ҳозир колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари асосий э'тиборни КПСС XX с'езди қарорларини кенг пропаганда қилиш ва уни амалга оширш учун курашни тобора кучайтиришга қаратмоқдалар.

Районимиз колхозлари бу йил 7007 гектар ерга чигит экадилар. Пахтакорлар ҳар гектар ердан 27 центнердан ҳосил етиштиришга сўз бердилар. Чорвадорлар эса ҳарбир сигирдан камида 950 литрдан сут, ҳарбир қўйдан 2 килограммдан жун олиш, гўшт ва туҳум етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайтириш мажбуриятини олдилар.

Шверник номли, Ворошилов номли ва Молотов номли колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари чигит экиш олдидан тўла тайёрлик кўрилишини та'минладилар. Барча пахта ерлари маҳаллий ва минерал ўғит солиб сифатли ҳайдалди, суғориш системалари тўла тартибга келтирилди. Бу эса ана шу колхозларда чигит экишни районда биринчи бўлиб бошлаб юбориш имкониятини берди.

Ҳозир район колхозларининг деярлик ҳаммасида чигит экиш қизғин давом этмоқда. Шу кунларда район партия ташкилоти олдида турган асосий вазифа — барча майдонларда чигитни қисқа муддат ичида экиб тамомлаш ва унинг тўла унидириб олинишини та'минлашдан иборатдир. Биз ана шунга ҳаракат қилмоқдамиз.

Яқинда область партия комитетининг бюроси район партия комитети камқувват, камҳосилли колхозларга қандай ёрдам бераётганлиги масаласини муҳокама қилди ва бу соҳада ҳали кўпгина камчиликлар борлигини кўрсатди. Район партия комитети камқувват ва камҳосилли колхозларга амалий ёрдам кўрсатиш, бу колхозларнинг бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, колхозчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш соҳасидаги камчиликларни тезроқ бартараф қилиш тадбирларини белгилаб чиқди.

Район партия ташкилоти КПСС XX с'езди қарорларини, олтинчи бешйиллик планининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги топшириқларини ошириб бажариш учун курашга район меҳнаткашларини кенг сафарбар этиб, район олдига қўйилган хўжалик ва сиёсий вазифаларнинг муваффақият билан бажарилишини та'минлаш учун барча зарур чораларни кўради.

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз а'золари қишлоқ хўжалик артели Уставининг айрим моддаларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритдилар

Баҳор қуёши ер бағрини илитиб турибди. Боғлар, адрлар, поёнсиз далаларда меҳнат шодлиги. Мўл ҳосил уругини экишга отланган пахтакорлар, механизаторлар — барча меҳнат армияси далага чиққан. Универсаллар, сеялкалар кечагина борона қилинган далаларда тўғри чизиқ, квадратлар ҳосил қилиб юрар экан, кўнгил қувонади.

Қишлоқ меҳнаткашлари ана шу экиш бошланиш кунини зўр тайёргарлик билан кутиб олдилар. Кичик карталар бир-бирига қўшилди, уватлар текисланди, ариқлар чопилди, зовурлар қазилди. Колхозчилар яхши умид билан далалар четига маҳаллий ўғитни уюм-уюм қилиб қўйдилар. Мана шу ўғитлар ҳозир ерларга солинмоқда, қисман ўғитлар эса гўза парвариши даврида қаторларга солиш учун тайёрлаб қўйилмоқда.

Далага ёшлар қатори кексалар ҳам чиққан. Улар баҳор шабадасини шимирмасалар, кўнгиллари ўринга тушмайди-да. Ёшлари, соқоллари қироведек муйсафидлар униб-ўсган ўз далаларига суқланиб, меҳр билан боқар эканлар, улар билагида ёшлик ғайрати жўш уриб кетади. Қишлоқ муйсафидлари меҳнатдан озод қилинган бўлсалар ҳам, ўғил-қизларига кўмаклашиш, уларга ўгит, маслаҳат бериб туриш, қўлларидан келганча ишга ёрдамлашиш учун далаларга чиққанлар. Уларнинг тажрибали кўзлари ер чигит экишга қандай тайёрланганлигини дарров ажратолади. Шунинг учун ҳам кексалар майин тупроқни кафтларида эзиб, уқалаб кўрар эканлар, «бу тупроққа тушган чигит беҳато униб чиқади» дейдилар.

Экишнинг дастлабки куни эди. Колхоз радиоузелидан бугун клубда колхозчилар нинг умумий йиғилиши бўлажаги хабар қилинди. Мажлис кеч соат 8 га белгиланган эди. Қишлоқнинг узоқ-яқинидан колхозчилар — эрлар ва аёллар, қизлар ва йигитлар, механизаторлар, шу колхоз қишлоғида туручи мутахассислар — агрономлар, зоотехниклар, врачлар, ўқитучилар ҳам мажлисга келабошладилар. Баҳор қуёши ўз нурини поёнсиз далалардан йиғиштириб, ғарб томони ёнбошлаганда колхоз қишлоғининг маркази кишилар билан гавжумлашиб кетди. Орадан сал ўтмай, улар кенг клубга кира бошладилар. Клуб деворлари колхоз хўжалигининг қандай ривожланаётганлиги тўғрисидаги диаграммалар билан, кишиларни мўл ҳосил етиштиришга чақируччи жанговар шиорлар билан безатилган эди.

Мажлис бошланишига оз вақт қолган эди. Шу пайт клубда жонланиш пайдо бўлди. Бунга қишлоқ кексаларининг клубга кириб келиши сабаб бўлган эди. 98 ёшли Эрматбобо, унинг ўғли 75 ёшли Нурматота, 75 ёшли Комолота, Бойбувота сингари қариганда пири-бадавлат бўлган хурматли кексалар биринчи қатордан жой олаётирлар. Мажлис қатнашчилари 98 ёшли Эрматбобони президиумга чиқишга таклиф қиладилар. Нуроний чол зинапоядан саҳнага кўтарилар экан, залда ўтирганлар гулдурос қарсак чалиб, уни олқишлайдилар. Эрматбобо уларга меҳрибон кўзи билан қарар экан, севинчи ичига сиғмас эди. У бахт ва саодат келтирган, ҳурматиззатга муяссар қилган колхоз хўжалигидан шу пайт яна бир марта миннатдорлигини изҳор қиларди.

Колхозчилар бугун ўз клубларига колхозининг янги уставини муҳокама қилишга ва уни тасдиқлашга йиғилганлар. Колхоз раиси ўртоқ Одил Норматов Уставга киритилган айрим ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида доклад қилади.

Колхоз раиси қишлоқ хўжалик артелининг илгариги Устави қабул қилинганидан буён 20 йилдан ортиқроқ вақт ўтганлиги, шунинг учун унинг айрим моддалари ҳозирги ҳақиқий аҳволга тўла жавоб бера олмаслиги, бу моддаларни тузатиш зарурлиги тўғрисида бирма-бир гапириб берди.

—Жон фидо қилиб ишлайдиган, колхозда мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қиладиган колхозчилар билан бир қаторда қишлоғимизда туриб, колхоз ишига жон куйдирмайдиган, дала қолиб кўпроқ ўз томорқасида ишлайдиган колхозчилар ҳам имтиёздан бирхилда фойдаланардилар. Уларга биз бирнарса деёолмас эдик. Энди ана шундай кишиларга айтамизки, «Умум бойлигини кўпайтириш, коллектив хўжаликни мустаҳкамлаш учун астойдил курашмас экансиз, биз сизга имтиёзларимиздан бемалол фойдаланишга йўл қўяолмаймиз».

Олдинги Уставда меҳнат минимуми жуда оз қилиб кўрсатилган эди. Шунинг учун айрим кишилар колхоз ишига доим қатнашмасди, энди меҳнат минимуми қат'ий қилиб: эркаклар учун 250 та, иккитагача боласи бўлган аёллар учун 220 та, боласи иккитадан кўп бўлган аёллар учун эса 180 та қилиб белгиланади. Бу бир чегара эмас. Астойдил меҳнат қилган эркаклар ҳам аёллар ҳам белгиланган меҳнат минимумини ошириб бажаришлари турган гап.

Колхоз ажратиб берган томорқадан фақат колхоз ишида актив қатнашганларгина тўла фойдалансин!

Колхоз раиси коллектив хўжаликнинг чорвачилиги, боғдорчилигини ҳам ривожлантиришда янги Уставда муҳим тузатишлар боргирини алоҳида қайд қилиб ўтади. Катта чорвачилик фермасига эга бўлган бу колхоз энди ем-хашак етиштириладиган махсус майдон ажратадиган бўлди.

Колхоз ишига меҳнати синган кекса эр ва аёллар кўпчиликнинг меҳр муҳаббатига сазовор. Оталар ва оналар бу ғамхўрликдан кексиз миннатдорлар.

Колхозчиларга вақти-вақти билан отпуска бериб турилиши, уларга дам олиш куни ажратилиши коллектив хўжалик ҳаётида катта ўзгаришдир.

Янги Уставда меҳнат унумдорлигини оширишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Колхоз раиси Уставга тузатишлар киритиш тўғрисидаги докладни тугатар экан, «биз ҳозир ма'қулларётган Уставнинг ҳар бир моддасини сўзсиз бажаришимиз, унга тўла амал қилишимиз ва Уставнинг бузилишига мутлақо йўл қўймаслигимиз керак», деб алоҳида уқдириб ўтади.

Шундан кейин савол-жавоблар бошланди. Колхозчилар, механизаторлар айрим ноаниқ масалаларни аниқлаб олдилар.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда биринчи бўлиб бригада бошлиги Акбарали Султонов сўзга чиқади.

— Бизнинг бу, янги Уставимизда, — дейди у, — ўз колхозимизнинг маҳаллий шароити, имкониятларимиз тўла ҳисобга олинган. Шунинг учун ҳам Уставнинг ҳар бир моддасини жон-дилимиз билан амалга оширамиз.

Мен бу мажлисда Уставнинг бир моддаси тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман. Илгариги Уставда ҳар бир колхоз ҳонадони 10 тагача қўйга эга бўлиши мумкин, дейилган эди. Сўнгги йилларда колхозимизда пахтачилик кескин ривожланаётганлиги учун қишлоқ территориясида мол боқиш анча қийин бўлиб қолди. Биз колхозда жамоат чорвачилигини ривожлантириш ҳисобига ўз хўжалигимиздаги қўйлар сонини камайтириш мақсадга мувофиқдир. Энди ҳар бир хўжаликда қўзиси билан иккитадан совлиқ бўлиши етарлидир.

Колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Исмоилзода ўз нутқини томорқа масаласига қаратади.

— Бизнинг бойлигимиз асосан томорқадан эмас, колхоз еридан келади. Биз биргаликда колхоз бойлигини кўпайтирсак, турмушимиз янада фаровон бўлади. Планимизни қанча кўп ошириб бажарсак, ҳаммамизнинг ҳам хўжалигимиз шунча бойийди. Шунинг учун Уставда кўрсатилган томорқа миқдори бизнинг ҳозирги талабимизга тўла жавоб беради.

Қурилиш бригадасининг бошлиги Хошим Норқулов ўз сўзида планни ошириб бажарганлиги учун меҳнат минимумини тўла адо этган колхозчиларга пландан ташқари олинган ҳосилдан келган даромаднинг 50 процентини тақсимлаб берилиши, мўл ҳосил етиштиришда ҳарбир кишини ҳам фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантириши лозимлигини айтади.

Боғдорчилик бригадасининг бошлиги Улмасота Норматов минбарга чиққанда ҳамма уни қизғин кутиб олди. У бундай деди:

— Биз кексалар қариганимиз сари охири нима бўлар экан, деб бир-биримиздан сўрар эдик ва шу саволга ўзимиз: «Охири албатта яхши бўлади», деб жавоб берар эдик. Мана, охири дархақиқат, яхши бўлди. Кексаларга янги Устав бўйича пенсия берилиши жорий қилинди.

Мажлисда илғор бригада бошлиги Бахринисо Нурматова ҳам ҳаяжонли нутқ сўзлади. У, янги Уставда хотин-қизлар учун алоҳида ғамхўрлик қилинганлигини та'кидлаб ўтди. Колхоз ҳаётида ҳал қилувчи куч бўлган хотин-қизларимиз ўз меҳнатларига яраша қадр-қимматга эгадирлар.

Музокаралар тугагач, колхоз раиси Одил Норматов охирги нутқ сўзлади. У, бу гал колхозчилар томонидан киритилган айрим таклифларни янги Уставда ҳисобга олинажагини айтди. Шундан кейин ўртоқ Норматов колхоз а'золарининг умумий мажлисига коллектив хўжаликнинг Уставига киритилган айрим ўзгартишлар ва қўшимчалар текстини ўқиб берди.

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз а'золари Уставга киритилган ўзгартишлар ва айрим қўшимчалар текстининг ҳарбир моддасини бирма-бир муҳокама қилгач, уни қуйидагича бўлсин, деб тасдиқладилар:

Қишлоқ хўжалик артели Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар

Колхоз ҳонадонларига, МТС трактор бригадаларининг ходимларига, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ходимларига, мутахассисларга, ўқитучиларга, медицина ходимларига бериладиган томорқа участкалар майдони 0,13 гектар қилиб белгиланади.

Колхоз территориясида ишовчи ишчи ва хизматчиларга бериладиган томорқа участкаси 0,06 гектар қилиб ажратилади.

Агар колхозчилар, трактор бригадаларининг ходимлари ёки уларнинг меҳнатга яроқли оила а'золари меҳнат минимумини сабабсиз бажармасалар уларга берилган томорқа участкалар майдонидан 30 процентдан 50 процентгача камайтирилади.

Агар қишлоқ хўжалик мутахассислари ва сув хўжалиқ ходимлари, ўқитучилар ва медицина ходимларининг меҳнатга яроқли оила а'золари колхоз ишлабчиқаришида қатнашмасалар, улар учун белгиланган меҳнат минимумини сабабсиз бажармасалар, уларга берилган томорқа участкалар майдонининг ярми қирқилади.

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатга яроқли оила а'золари жамоат меҳнатида ва колхоз ишлабчиқаришида сабабсиз қатнашмаса, уларнинг томорқа участка майдони 0,04 гектаргача камайтирилади.

Колхоз территориясида яшаб туриб ва ўз меҳнати билан жамоат ишлабчиқаришига қатнашмаётган кишиларга томорқа участкалар берилмайди.

Колхозчиларнинг умумий йиғилиши колхоз правлениесига томорқа участкаларидан фойдаланиш шартларининг бажарилишини колхоз жамоат хўжалигида иштирок этучиларнинг фаолиятига қараб доимий равишда контроль қилиб боришни топширади.

Умумий йиғилишнинг томорқа участкалардан фойдаланиш ва жамоат ишлабчиқаришига қатнашиш тўғрисидаги қарорини бузган хўжаликларга нисбатан уларнинг қишлоқ хўжалик йили биринчи даврида меҳнат минумумини бажаришларини текшириб чиққандан кейин огоҳлантириш чораларини кўриш, иккинчи ва учинчи даврдаги ишларини текшириб чиққандан кейин томорқа участкаларини камайтириш ёки қайтариб олиш масаласини ҳал этиш ҳуқуқи колхоз правлениесига берилади. Бу қарор кейин умумий йиғилишда тасдиқ этилади.

Ҳарбир колхозчи ҳонадони битта сигир бузоғи ҳамда ғунажини билан, 2 совлиқ (қўзиси билан), 1 тадан чўчқа (болалари билан), чекланмаган миқдорда парранда ва 10 яшиккача асаларига эга бўлаолади.

Колхозчиларнинг колхоздан чиқарилгани, томорқа участкаси майдонининг камайтирилганлиги ва бошқа масалалар тўғрисида умумий мажлис қароридан норози бўлиб район ижроия комитетига юборадиган шикоятлари колхоз а'золарининг умумий йиғилишларида қайтадан кўриб чиқилади. Бу йиғилишда артель а'золарининг камида 3 дан 2 қисми қатнашуви шарт.

Колхоз а'золарининг умумий йиғилиши колхозда 20 йил ҳалол меҳнат қилиб келган 60 ёшга етган эрларга, 55 ёшга етган аёлларга ҳар ойда 15 тадан меҳнат куни миқдорида пенсия белгилайди.

Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганларга, ҳарбий хизматдагилар оилаларининг эҳтиёжига, ясли ва етимларга ёрдам кўрсатиш мақсадида умумий йиғилиш ялпи ҳосилининг 0,75 процентги миқдоригача ёрдам фонди белгилайди.

Ҳомиладор аёллар туғишларигача 56 кун, туққанларидан кейин 56 кун ишдан озод қилинади, нонормал туққан ёки икки ва ундан ортиқ бола туққанларининг ишдан озод этилиш муддати 70 кунга узайтирлади ва уларга ишдан озод қилинган кун учун 12 ой давомида ишлаган меҳнат кунларининг ярми миқдорида ҳақ тўланади.

Колхозда қишлоқ хўжалик ишлари ишбайчилик асосида амалга оширилади. Иш нормалари ва меҳнат кунлари баҳолари механизациялаштириш даражасини ҳисобга олган ҳолда колхозда ҳалол ишлаб келаётган колхозчиларнинг ҳақиқий иш унумига қараб, артель правлениеси томонидан ишлаб чиқилади ва колхозчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

Колхоз жамоат хўжалигида меҳнат кунлари сарфланиши эҳтиёжига қараб, колхозчилар умумий йиғилиши томонидан эрлар учун 250, аёллар учун 220, икки ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар учун 180 меҳнат куни миқдорида меҳнат минимуми белгиланади.

Белгиланган меҳнат минимуми дала ишлари даврига қуйидагича тақсимланади:

Биринчи давр, я'ни 1 январьдан 1 майгача 20 процент меҳнат куни, иккинчи давр, я'ни 1 майдан 1 сентябрьгача 40 процент меҳнат куни, учинчи давр, я'ни 1 сентябрьдан 31 декабрьгача 40 процент меҳнат куни ишланиши керак.

Ҳосил ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган топшириқларни ошириб бажарганликлари учун колхозчиларга ва трактор бригадаларининг ходимларига пландан ортиқ маҳсулот учун олинган ҳақиқий пул ва ғалланинг колхозчилар йиғилишининг белгилашига мувофиқ 50 процентгача миқдори қўшимча ҳақ тариқасида берилади.

Колхозчилар ва трактор бригадалари ходимларига қўшимча ҳақ улар белгиланган меҳнат минимумини бажарганларидагина тўланади.

Топшириқни колхоз бўйича ошириб бажарган тақдирда колхоз раҳбар ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва бошқаларга колхозчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан пландан ортиқ олинган маҳсулотни сотишдан келган пул даромадининг 25 процентигача қўшимча ҳақ тўланади.

Агар далачилик бригадалари ёмон ишлаб, колхоз правлениеси ҳамда умумий йиғилиш томонидан белгиланган миқдорда ҳосил етиштираолмаган бўлса ёки чорвачилик бригадаларида иш ёмон ташкил этилганлиги сабабли сут соғиб олиш топшириғи ўртача соғиб олиш даражасидан паст бўлса, молни оригламатиб қўйган, бузоқларни ёмон боққан бўлса, артель правлениеси шу бригадаларнинг а'золари ишлаган меҳнат кунларини 10 процентигача миқдорда камайтиради.

Пул ва натура аванслари ҳар ойда бир марта берилади.

Ойлик авансларни бериб туриш учун кўчма пул ва натура фонди ташкил этилади.

Колхозчиларнинг ишлаган меҳнат кунларига ой сайин аванс бериб туриш учун ҳақиқий пул даромадларининг 25 процента, контрактациялар, давлатга маҳсулот топшириш мажбурияти ва маҳсулот сотиш бўйича аванслар тариқасида олинган маблағларнинг 50 процента ажратилади.

Бинолар ва иншоотлар қуришга, шунингдек кўпйиллик кўчатлар ўтқазиш ва ўстиришга сарфланган меҳнат кунларига пул билан тўланадиган ҳақ кирим-чиқим сметасига мувофиқ бўлинмас фонд ҳисобидан тўланади.

Колхознинг йиллик ҳисоботини муҳокама қилиш, ишлабчиқариш плани, кирим-чиқим сметасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек правление, унинг раиси ва тафтиш комиссияси сайлаш учун чақирилган умумий йиғилишларда колхоз а'золарининг камида 3 дан икки қисмининг қатнашиши шарт.

Хўжаликдаги зарур масалаларни ҳал қилишда колхоз участкаларининг марказдан узоқлигини (8—12 км) ҳисобига олиб, барча колхозчиларни ҳам умумий йиғилишга қатнаштирмай, мазкур масалани ҳал қилишда ҳарбир бригададан 5 киши ҳисобига биттадан ишончли вакил юборилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.



Баҳор бошланиши билан Тошкент кўчалари, маданият ва истироҳат боғлари ва хиёбонларини кўкаламзорлаштириш ишлари қизитиб юборилди. Бирқанча кўчатларга қўплаб сершох дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда. Суратда: Ҳамза кўчасида эман дарахти кўчатлари ўтқазилаётган пайт.

В. Салов фотоси.

Боғ ва токзорлар барпо қилинмоқда

Ўртачирчиқ район колхозларида дарахт кўчатлари ўтқазиш, янгидан мевали боғ ва токзорлар барпо этиш ишлари бу йил анча кенгайтирилди. Бу ишда колхозлардаги комсомол-ёшлар ташаббус кўрсатмоқдалар. Каганович номли колхозда бу йил янгидан 12 гектар ерда комсомол боғи ташкил этилди. Бу боққа олма, шафтоли, ўрик, анор, анжир ва бошқа мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек комсомоллар ташаббуси билан қилинаётган янги токзорга ҳам 8 минг туп кўчат ўтқазилди.

Ҳозир колхоз комсомол-ёшлари тут кўчатлари ўтқазиш ишларини ҳам тугалламоқдалар. Улар бу йил 7 минг туп кўчат ўтқазадилар.

Куйбишев номли колхоз комсомоллари планга белгиланган тут кўчатларини ўтқазиб бўлдилар.

Сталин номли колхоз правлениеси ҳам янги боғ ва токзорларга кўчат ўтқазиш ишларини яхши амалга оширмоқда. Ўтган икки кун ичида 324 туп олма, 2 минг туп терак кўчатлари ўтқазилди.

Т. Йўлдошев,
Б. Ремаев.

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг мева ва узумчиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорини амалга ошираётган Ховос районидаги Ворошилов номли колхоз а'золари бу йил боғ ва токзорларни янада кенгайтириш ишини кучайтириб юбордилар. Колхозда 12 гектар ерда янги токзор барпо этилди. Шу билан бирга янги боғларга ҳам 3 минг туп ҳархил мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Кўчат ўтқазишда колхознинг боғдорчилик бригадасининг бошлиги ўртоқ Қ. Дадажонов айниқса ташаббускорлик кўрсатмоқда. Бу бригаданинг А. Адашова, М. Раҳимова, Ҳ. Умарова каби илғорлари кунлик кўчат ўтқазиш нормасини доим 1,5 баравардан бажараётирлар.

Кўчат ўтқазишда колхоз комсомоллари, шунингдек 11-нчи мактаб ўқучилари ҳам ғайрат билан ишладилар. Уларнинг ёрдами билан йўл, ариқ бўйлари, дала чегараларига 3 минг тупга яқин тут ва бошқа дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Х. Каримжонов.

* * *

Гулистон районидаги «Красная заря» колхози қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари каби мева, узумчиликдан ҳам ҳар йили катта даромад олиб келаётир. Колхозда етиштирилган мева ва узумлар ички истеъмолдан ташқари, ҳатто Иттифоқимизнинг марказий районларига ҳам юборилиб турилади.

Колхознинг токзор ва мева боғлари 75 гектар ерни ишғол қилар эди. Бироқ, 1954 йил кузгаги қаттиқ совуқ мева дарахтларининг анчасини уриб кетди. Колхоз правлениеси бу йил совуқ урган боғларни тиклаб ва янги ерларда қўшимча боғ барпо этиб, уларга 5 минг туп ҳархил мевали кўчатлар ўтқазди. Шу билан бирга алоҳида участкага ток кўчатлари ўтқазилиб, токзорлар майдони ҳам кенгайтирилмоқда.

О. Тиловбердиев.

* * *

Мирзачўл районидаги «8 март» колхозининг а'золари колхоз қишлоғини обод қилиш учун йилдан-йилга кўплаб ҳархил дарахт кўчатлари ўтқазиб келмоқдалар. Бу йил ҳам йўл ёқалари, дала чегараларига 11 минг туп тут ва бошқа дарахт кўчатлари ўтқазилди. Тут ва дарахт кўчатлари ўтқазишда Т. Мирзаахмедов ва Қ. Искандаров ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари айниқса зўр ғайрат кўрсатиб, топшириқни ҳаммадан олдин бажардилар.

С. Азимов.

* * *

Чиноз районидаги илғор колхозларда дарахт кўчатлари ўтқазиш ўнкунлиги намунали ўтказилди. Айниқса, «Қизил Октябрь», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» ва Сталин номли колхозларнинг а'золари бу соҳада яхши натижаларга эришдилар. Бу колхозларда 20 минг тупга яқин мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. «Қизил Октябрь» колхозида барпо қилинган янги боғ айниқса э'тиборни ўзига тортади. Бу боғда белий налив, кандиль, розмарин каби бирнеча хил олма кўчатлари бир ипга чизилгандай саф тортиб турибди.

Ҳозир мевали дарахтлар экишни тамомлаган илғор колхозларнинг правлениелари тут кўчатлари ўтқазишни қизғин давом эттириш, мевали дарахт кўчатларини сифатли парвариш қилиш ишларига алоҳида э'тибор бермоқдалар.

А. Абдуғаффоров.

Ҳ. Ғ. Ғуломовни дафн қилиш маросими

Еттинчи апрельда Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг а'зоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Ҳожиакбар Ғуломович Ғуломов билан сўнгги марта видо'лашди.

Марҳумнинг жасади солинган тобут Ўзбекистон ССР Олий Совети биносига кўйилди. Шаҳар меҳнаткашларидан мингларча кишилар Ҳ. Ғ. Ғуломов билан видо'лашмоқ учун келдилар.

Марҳумнинг жасади солинган тобут соат 14 дан 30 минут ўтганда Олий Совет биносидан олиб чиқилади.

Коммунистлар мозорида бўлган мотам митингини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. С. Султонов очди. Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитети, Республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми номидан—Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область ва шаҳар комитетлари ҳамда шаҳар ижроия комитети номидан—Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғуломов, интеллигенция номидан—Ўзбекистон ССР Фанлар Академисининг вице-президенти К. Е. Житов, шаҳар полиграфчилари номидан—Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти босмахонасининг ходими И. Шоғуломов, матбуот ходимлари номидан И. Раҳимов видо'лашув нутқи сўзладилар.

Ҳ. Ғ. Ғуломов қабрига жуда кўп гулчамбарлар қўйилди. Қабр устига ўрнатилган мармар тошга ўзбек ва рус тилларида қуйидаги сўзлар ёзилган:

«Ҳожиакбар Ғуломов
6
1914 — 1956»
IV

(ЎзТАГ).

Колхозчи аёллар учун қулай маданий-маиший шароит яратайлик

Биз, совет кишилари, халқ бахт-саодати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш—партиямиз фаолиятининг олий қонуни эканлигини ҳардоим чуқур ҳис этамиз ва буни кун сайин амалда сезиб турибмиз. КПСС XX с'езди қарорлари ва олтинчи бешйиллик план ҳақидаги Директивларда экономикани, даставвал оғир индустрияни, шу билан бирга қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, халқ моддий фаровонлиги ва маданий даражасини тўхтовсиз юксалтиришнинг конкрет вазифалари белгилаб берилган.

С'езд томонидан мамлакатимиз олдига қўйилган бу улуғвор вазифалар бизнинг бундан кейинги амалий ишимизда асосий программа бўлиб қолди. Олтинчи бешйилликда халқ маорифини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ишларини янада яхшилаш ва болалар муассасалари тармоқларини кенгайтириш соҳасида ҳам катта вазифалар ҳал қилишини лозим. Жумладан, бешинчи бешйилликдагига қараганда янги бешйилликда болалар муассасаларининг 2,4 марта кўпроқ қурилиши, болалар яслилари ва боғчаларидаги ўринлар сонининг тахминан 45 процент кўпайиши жуда қувончли бир ҳолдир. Чунки, болалар муассасаларининг кўпайиши хотинларнинг меҳнат шароитини ва турмушини янада яхшилашга ёрдам беради, мамлакатимизнинг ишлабчиқариш, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотинларнинг кенгроқ иштирок қилиши учун имконият яратади.

Яқинда Охунбобоев номли колхоз а'золарининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда колхозимиз а'золари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш ҳамда колхозчи деҳқонларнинг турмуш даражасини янада ошириш тўғрисида қилаётган бенизоя катта ғамхўрликларига жавобан бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштириш, чорвачилик ва артель хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш юзасидан конкрет мажбурият олдилар. Шу билан бирга колхозчи хотинларнинг меҳнат шароити ва турмушини янада яхшилашга ёрдам бериш учун болалар муассасалари тармоқларини кенгайтириш тўғрисида ақлийлик билан қарор қабул қилдилар.

Пахтачилик колхозимизга катта даромад келтирмоқда. 1956 йилда мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Шунга яраша колхоз а'золари мўл ҳосил етиштиришнинг тақдири ҳал э'тилаётган ҳозирги пайтда кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни ўз вақтида амалга оширмоқдалар. Колхозимиздаги бир мингга яқин ишга яроқли колхоз а'золаридан 550 кишини хотин-қизлар ташкил этади. Булар шу кеча-кундузда колхоз далалари ва чорвачилик фермаларида эрлар билан бир қаторда меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз правлениеси, партия ва комсомол ташкилотлари колхозчиларнинг ўғил-қизларини ўқитиш ва тарбиялаш масалаларига ҳам алоҳида э'тибор бермоқдалар. Ўтган йили колхоз маблағидан бир миллион сўм сарфланиб, янги типовой ўрта мактаб биноси қурилди ва у 1955—56 ўқув йили бошланиши олдидан фойдаланишга топширилди. Мактаб биносини жиҳозлаш учун бу йил қўшимча равишда 20 минг сўм ажратилди. Мактабда ҳозирги вақтда колхозчиларимизнинг 400 дан ортиқ ўғил-қизи та'лим олмоқда. Бу йил мактаб ҳузурида 1000 кишилик катта физкультура зали қуриб битказилади. Колхоз маданият уйи ҳам шу бинода жойлашади.

Колхозимизда яхши бино билан та'минланган ва муносиб жиҳозланган болалар яслиси, 5 қойлалик касалхона, кутубхона, ҳаммом, 850 точкага хизмат қилаётган радиоузел ва электростанция ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси колхозимиз экономикасини мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш ва маданий савиясини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Колхоз правлениеси партия ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда колхозчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, болалар муассасалари ишини намунали ташкил этиш, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини кўтаришда мактаб педагоглари коллективига ёрдам бериш юзасидан 1956 йилда бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширишни белгилаб чиқди.

Колхозчи хотин-қизларни звено, бригада бошлиги, ферма мудирлиги ва бошқа раҳбарлик вазифаларига дадиллик билан кўтаришга жиддий э'тибор берилди. Колхоз болалар боғчаси ва ясли ларини малакали тарбиячилар билан та'минлаш мақсадида Мирзачўл шаҳридаги тарбиячилар тайёрлаш бирйиллик курсига колхозчи хотин-қизлардан икки киши ўқишга юборилади. Ётгийиллик ма'лумотга эга бўлган ўзбек қизларидан яна икки кишини янги, 1956—1957 ўқув йили олдидан Тошкентдаги мактабгача тарбия билим юртида ўқишга юборишни мўлжалладик.

Колхозчи хотин-қизлар ўртасида педагогика ва медицина темаларида системали равишда лекция, суҳбатлар ўтказамиз, боғча, ясли ва мактабда болаларни ўқитиш ҳамда тарбия беришнинг сифатини яхшилашга ёрдам берамиз, ўқучиларнинг, айниқса ўзбек қизларининг мактабни тамомлагунча ўқишларини та'минлаймиз.

Колхоз клуби ҳузурида бадиий ҳаваскорлик ва бичиш-тикиш тўгарагининг ташкил этиб, уларни ихтисосли раҳбарлар билан та'минлаймиз. Колхоз радиоузели орқали ўқитучилар, врачлар, боғча, ясли тарбиячилари ва илғор колхозчиларимизнинг болалар тарбияси, санитария-гигиена қоидалари ва бошқа оммабоп темалардаги чиқишларини системали равишда уюштирамиз. Колхозчи хотинларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш ҳамда уларни жамоат ишларига кенгроқ жалб қилиш мақсадида бу йил колхознинг биринчи участкасида болалар боғчаси учун янги типовой бино қурилади. Боғча биноси пахта йиғим-терими бошланиши олдидан фойдаланишга топширилади ва у ҳамма зарур инвентарлар, ишиш-тўқовлар, ўйинчоқлар, кўрсатмали ўқув қуроллари билан та'минланади. Бунинг учун колхоз маблағидан 500 минг сўм пул сарфланади. Болаларни уйларидан коллектив равишда тўплаб боғча ва яслиларга олиб бориш ва уларни кечқурунги пайтларда уйларига элтиб қўйиш учун махсус бричка ажратилди. Шунингдек, бу йил колхозда 5 қойлалик янги касалхона, ёзлик клуб, мактаб ўқучилари учун спорт майдони, янги типда ҳаммом ва сигирхона қурилади.

Колхозимиздаги болалар муассасаларида тарбиявий ишларни яхшилаш, медицина хизматини намунали йўлга қўйиш учун республика маориф ва соғлиқни сақлаш министрликларидан мактабгача тарбия билим юртини бу йил тамомлаб чиқучилардан икки кишини ва ўрта ма'лумотга эга бўлган 2 медицина ходими юборишни илтимос қилмоқчимиз. Уларга қишлоқ жойларида болалар муассасалари ходимларига тўланаётган иш ҳақи даражасида колхоз ҳисобидан ҳар ойда маош тўланади. Апрель ойи ичида болалар муассасалари ишидаги тажрибаларни ўрганиш учун Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига боғча ва ясли мудирларини ҳамда медицина ходимларини ма'лум муддатга командировка қиламиз.

Биз юқорида айтилган тадбирларни бажарий учун ҳозирданоқ амалий ишга киришдик. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Районимиздаги бизга қўшни бўлган Маленков номли ва камқувват «Коммунизм» колхозларининг правлениелари, партия ва комсомол ташкилотлари ҳам болалар боғчалари ҳамда яслилари ишини яхши йўлга қўйиш, маданий-оқартув муассасаларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган бирмунча тадбирларни планлаштирдилар.

Ма'лумки, областимизда пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириб, катта даромад олаётган илғор колхозлар жуда кўп. Бир қатор колхозларимиз ўз даромадларининг ма'лум қисмини сарфлаб, қишлоқларни обод қилмоқдалар, мактаб, клуб, боғча, ясли, касалхона, меҳмонхона ва бошқа маданий-маиший биноларни қурмоқдалар. Биз областимиздаги колхозларни ўз имкониятларидан самарали фойдаланиб, юқоридаги каби тадбирларни амалга оширишга чақирамиз.

А. УБАЙДУЛЛАХЎЖАЕВ,
Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

Х. МАҲКАМОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

А. ҒАНИЕВ,
колхоз комсомол ташкилотининг секретари

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Шаҳар тозалигига э'тибор кучайтирилсин"

Газетамизнинг 3 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида чиққан материалда республикамиз пойтахти Тошкентда санитария-гигиена қоидаларига етарли э'тибор берилмай келинаётгани кўрсатилган эди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бошқармасининг бошлиги ўртоқ Комиловнинг редакциямизга ҳабар беришича, текширишда газетада кўрсатилган фактлар тўғри деб топилган. Ободончилик бошқармаси бу камчиликларни бартараф қилиш ва шаҳар кўчаларини тозалаш учун барча чораларни кўришга киришган. Апрель ойи ичида бир қанча жойларга ахлат соладиган қўшимча катта яшиклар қўйиладиган бўлган.

Халқаро обзор

ТИНЧЛИК ВА ТИНЧ ТОТУВ ЯШАШ СИЁСАТИ ЕНГИБ ЧИҚМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш комиссиясининг Лондонда ўз мажлисларини ўтказаётган Кичик комитети муҳокамасига Совет Иттифоқи томонидан тақдим этилган янги таклифлар Ғарбдаги бутун жамоатчиликнинг эътиборини ўзига тортди.

СССР томонидан киритилган бу таклифларнинг аҳамияти жуда катта. Бу таклифлар қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш йўлини кўрсатиб беради. Совет Иттифоқи ҳали ҳам атом ва водород қуролини тезроқ тақиқлаш тарафдоридир. Лекин Совет ҳукумати қуролсизланиш проблемасига янгича ёндошишга интилиб, Ғарб давлатларининг позицияларини ҳисобга олиб, атом қуролини тақиқлаш вазифасини — келгусида енгиллаштирмоқ учун ҳозирги вақтда қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтиришга киришмоқ керак, деган хулосага келди. Совет делегациясининг янги таклифлари буюк давлатлар қуролли кучлари камайтирилиши лозим бўлган конкрет даражаларини ва шу тадбирни амалга оширилиш муддатларини кўзда тутади. Бу таклифларда халқаро контроль органи тузишга тааллуқли бирқанча масалалар ишлаб чиқилган. Ҳарбий бюджетларни камайтириш ҳамда Европада қурол-яроғлар чекланиб қўйиладиган ва инспекция қилинадиган зона вужудга келтириш кўзда тутилади.

Барча мамлакатларнинг илғор кишилари қурол-яроғларни камайтириш учун, атом қуролини тақиқлаш учун ўзлари олиб бораётган курашни янада кўпроқ кучайтириш зарурлигини англамоқдалар. Бутун дунёё жамоатчилигининг бу интилиши Жаҳон Тинчлик Кенгаши сессиясининг Стокгольм мажлисида айтилаётган нутқларда ўз ифодасини топмоқда.

Бутун дунёё жамоатчилигининг фикрича, халқаро миқёёда юз берган диққатга сазовор яна бир воқеа шу бўлдики, Франция бош министри Ги Молленинг Америка журнали «Юнайтед стейтс ньюс энд Уорлд рипорт» муҳбири билан қилган суҳбатидир. Франция ҳукуматининг позициясида халқаро масалаларда анчагина ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатувчи бу суҳбат Францияниинг ҳозирги ҳукумати раҳбарлари томонидан айтилаётган биринчи гап эмас. Лекин бу сафар масала жуда дангал қилиб қўйилди, бу улуғ давлат ҳукуматининг ҳозирги замондаги муҳим масалаларга янгича қараётганлиги тушунтириб берилди. Ги Молле социал системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч тотув яшаши идеясига ўзининг ижобий қараётганлигини очиқ-равшан айтиб, бундай деди: «Бошқарув формаси ҳарқандай бўлганида ҳам ҳамиша тинчлик бўлиши мумкин. Аммо бунинг учун ишни бизнинг кўнглимизга ёқмайдиган бошқарув формаларининг мавжудлиги урушга олиб боради, деган идеяни қабул қилишдан бошламаслик керак». Сўнгра Ги Молле қуролсизланиш вазифасини «биринчи ўринга қўйиш» зарур деб ҳисоблаганлигини айтди. Агар биз ишни ялпи қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишдан бошласак, — деди Франция бош министри, «Европа хавфсизлиги проблемаси осонлашиб қолади. Бу мана шу проблемани ҳал қилиш йўлидир. Хавфсизлик доирасида эса Германияни бирлаштиришга эришиш ҳам осонроқ бўлиб қолади».

Бу гапларнинг муҳимлигини инкор қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Ғарбнинг халқаро кескинликни юмшатишга интилаётган доиралари ҳозирги вақтда бу гапларни табрикламоқдалар. Ҳиндистонда чиқадиган «Индиан экспресс» газетаси, Ги Молле «ўзининг инглиз-сакс дўстларига қараганда анча амалийроқ фикрларни айтмоқда, деб ёзди. Француз матбуоти, Франция Америка «васийлигидан» қутулиб чиқмоқда, деб мамнуният билан таъкидламоқда. «Комба» газетаси, Ги Молле ўзининг бу суҳбатда айтган гаплари билан «Америка хато қилмайди» деган даъвога хотима берди ва «Ғарбий иттифоқни тўғри йўлга солди», деб ҳисоблайди.

Францияда чиқадиган ҳафталик «Франс-обсерватер» журнали бундай деб ёзди: Франция ҳукуматининг ҳозирги позицияси «шуманлар, бидолар ва бошқа пиноёлар ташқи сиёсатнинг принципи деб шу вақтгача эълон қилиб келган принцип бланг, яъни эмаклаб ялиниб бориш сиёсати билан алоқани узиб жуда яхши иш қилмоқда... Франция дипломатияси Лондон ва Вашингтонга нисбатан бирмунча мустақиллик олаётганга ўхшайди».

Франция раҳбар арбобларининг кейинги вақтлардаги бу чиқишлари Шимолий Атлантик ҳарбий блоки лагеридаги кайфиятларни характерлаб беручи бошқа бирқанча муҳим воқеалар билан бир вақтга тўғри келди. Бу иттифоқнинг кўпгина қатнашчилари унинг агрессив йўлидан, иттифоқ қатнашчилари устига ортган оғир юкидан норози эканликларини билдирмоқдалар. Кичкина Исландия парламенти қабул қилган қарор мана шу янги фактларни кўрсатучи энг охирги мисол бўлди. Бунақа мисоллар илгари ҳам кўп содир бўлган эди. Исландия парламенти мамлакатдаги Америка ҳарбий базаларини тугатишни ва АҚШ қўшинларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишни талаб қилди. Финляндияда чиқанган «Хельсингин саномат» газетасининг ёзишига қараганда, бу қарор Шимолий Атлантик Иттифоқи (НАТО) раҳбарлари учун «кутилмаган жуда кўнгилсиз воқеа» бўлди. Газетанинг фикрича, Исландиянинг бу қарорини қабул қилишига олиб келган соф миллий сабаблар билан бир қаторда, «фикрларда рўй берган бурилишга» халқаро вазиятнинг умумий яхшиланиши ҳам таъсир қилди.

156 минг аҳолиси бўлган Исландия ҳарқанча кичик мамлакат бўлса ҳам, лекин Исландия парламентининг қарори катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Исландиянинг қонун чиқарувчи органи ватаннарварлик билан шу тадбирни кўрди, шунинг учун ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг бу қарори руҳлантирувчи таъсир ўтказади. Швецияда чиқадиган «Стокгольмс тиднинген» газетасининг ёзишича, ҳозирги вақтда НАТО «кризисга учраб қолди, буни, жумладан, Франция бош министрининг кейинги гаплари кўрсатиб турибди». Газета НАТОнинг яна икки аъзоси, яъни Норвегия билан Дания сиёсатида бўлаётган силжишларни ҳам эслатиб ўтмоқда. Газетанинг ёзишича, бу икки мамлакат ҳозирги вақтда НАТОнинг, «тўла қимматга эга аъзолари» бўлмай қолдилар, чунки бу мамлакатлар четэл базалари қуриш ва четэл қуролли кучларини жойлаштириш учун тинч вақтда ўз территорияларини бериб қўйишга сра рози бўлмаётирлар».

Американинг машҳур обзорчиси Липпман «Нью геральд трибюн» газетасида ёзган мақоласида Ғарб ҳарбий иттифоқларининг бузилабошланганлиги тўғрисида нолиб ёзмоқда. Шу муносабат билан у, Америка дипломатиясининг кейинги вақтларда «Ғарбдаги иттифоқчилар орасида рўй бераётган кўпгина кўнгилсиз ҳодисаларга, шунингдек АҚШ «ўз томонига жалб қилмоқчи» бўлган давлатларнинг АҚШ сиёсатидан норози бўлаётганликларига дуч келганлигини эслатиб ўтмоқда.

Хўш, буларнинг сабаби нима? Буларнинг сабаби аввало шуки, Ғарбдаги аҳолининг кенг оммаси қуролланиш сиёсатини, социалистик лагерь билан тинч тотув яшашдан бош тортиш сиёсатини рад қилмоқда. Ғарбий Европада, яқин Шарқда, Осиёда фақат прогрессив жамоатчиликкина эмас, шу билан бирга ҳукуматлардаги таъсирли доиралар ҳам Американинг «зўравонлик позициясига таянучи сиёсатини» қораламоқдалар.

Мисол учун лоақал Грецияни олиб кўрайлик. Бу мамлакатда Шимолий Атлантик Иттифоқдан чиқишга интилиш жуда кучайиб кетмоқда, чунки Шимолий Атлантик иттифоқи Грециянинг миллий талабларини ва манфаатлари билан ҳисоблашмаётир. Лекин ўнг арбоб Караманлис бошчилигидаги Греция ҳукумати ҳам Шимолий Атлантик блокка ўзининг «содиқлигини» таъкидлаш билан бирга, ўзининг 4-чи апрельдаги декларациясида: «Греция ўз иттифоқчилари билан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқаларни сақлаб қолган ҳолда, тинчликни сақлаш манфаатларини кўзлаб, жаҳондаги бошқа ҳамма мамлакатлар билан савдо, муносабатларини, маданий ва дўстона муносабатларни ривожлантиришга интилмоқда» деб айтишни зарур деб топди.

Туркия арбобларининг баъзи гапларида ҳам янгича оҳанглар эшитилмоқда. Туркиянинг ўз мамлакатининг манфаатларини тушунучи зийрак кишилари гарчи Туркия НАТОда қатнашса ҳам; лекин бу ҳол Туркияни СССРга ва социалистик лагерь-нинг бошқа мамлакатларига нисбатан душманчилик сиёсати юритишга мажбур этмайди, деб ҳисобламоқдалар. Уларнинг фикрича, аксинча, турк халқининг миллий мустақиллик учун курашига ҳамиша хайрихоҳлик билан қараб келган СССР билан Туркия ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни тиклаш натижасидагина у ўз аҳволини жиддий яхшилайдилар.

Швеция бош министри Т. Эрландернинг Москвага келганлиги ва Совет-Швеция музокаралари бўлиб ўтганлиги кейинги кунлардаги энг катта воқеа бўлди. 4-чи апрельда эълон қилинган Совет-Швеция ахборотида айтилишича, дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида ўтказилган бу музокараларда Совет-Швеция муносабатлари ҳам, ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига тааллуқли бўлган умумий халқаро масалалар ҳам муҳокама қилинди. Совет Иттифоқи билан Швеция ўртасидаги савдо алоқалари, маданий, илмий алоқалар кенгайтирилмоқда ва яна ҳам кенгайтирилади. Бунинг эса катта халқаро аҳамияти бор. «Қўшма ахборот, — деб ёзади «Гетеборгс пестен» газетаси, Совет ҳукумати Швециянинг традицион сиёсатини—тинчлик ва бетарафлик сиёсатини ҳурматлаётганлигини кўрсатади. Бу сиёсат 150 йилдан бери ўтказилиб келмоқда. Лекин у гоят мода сиёсат бўлиб қолди».

«Мода» деган сўз бу жойда, эҳтимол, ўринсиз ишлатилгандир, лекин бу сўз ҳозирги вақтда тинчликка ва яхши қўшничилик муносабатларига интилиш ҳамма жойда кучайиб бораётганлигини маълум даражада ифодалайди. Эндиликда бундай интилиш тобора кўпроқ мамлакатларни ўз ичига олмоқда. Аммо ҳозирги вақтда НАТО, СЕАТО, Бағдод пакти ва бошқа ҳарбий пактларнинг сиёсати «мода бўлмай» қолаётир, замонга тўғри келмай қолаётир. Масалан, Ғарбий Германияни қайта қуроллантириш сингари ишлар ҳам ҳозир «мода эмас».

Ал. ВАЛЕНТИНОВ.

Чжоу Энь-лай ҳузурида А. И. Микоян шарафига қабул маросими

ПЕКИН, 6 апрель. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микояннинг Пекинга келиши муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай бугун катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари Чжу Дэ, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитетининг раиси Лю Шао Ци, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши бош министрининг ўринбосарлари Чэнь Юнь, Пин Дэ-хуай, Дэн Сяо-пин, Дэн Цзи-хуэй, Хэ Лун, Ли Фу-чунь, Ли Сянь-нянь, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосарлари Шэнь Цзюнь-жу, Го Мо-жо, Пин Чжень, Давлат мудофаа комитети раисининг ўринбосарлари Не Жун-чжень, Е. Цзянь-ин, Лун Юнь, халқ сиёсий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Чжан Бо-цзюнь, министрлар, давлат муассасаларининг, демократик партияларнинг, жамоат ташкилотларининг, Хитой Халқ-озодлик армиясининг вакиллари, майда миллатларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида А. И. Микоян, Ш. Р. Рашидов ҳамда А. И. Микояннинг бошқа ҳамроҳлари, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги Элчиси П. Ф. Юдин, совет элчихонасининг ходимлари, чет давлатлар элчихоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, Хитой ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Давлат Кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян нутқ сўзладилар. 600 га яқин киши ҳозир бўлган қабул маросими гоят самимий вазиятда ўтди.

СОВЕТ ЭНЕРГЕТИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АНГЛИЯДА БЎЛИШИ

ЛОНДОН, 6 апрель. (ТАСС). Бугун — совет энергетиклари делегацияси Англияда бўлишининг охирги куни — делегация бошлиғи Г. М. Маленков Лондон лорд-мэри Катберт Экройд жаноблари ҳузурига ҳайрлашмоқ учун борди.

Марказий энергетика бошқармасининг раиси лорд Ситрин кеча кечқурун совет меҳмонлари шарафига хайрлашув зиёфати берди. Лорд Ситрин зиёфатда сўзга чиқиб, совет энергетикалари «ўз соҳаларида жуда яхши мутахассисларгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга яхши ният билан келган вакиллар ҳам бўлиб чиқилар», деди. Ситрин, уруш тўғрисидаги фикр инглиз ва совет халқларига ёт бир нарса, деб уқтириб ўтди ва СССР билан Буюк Британия ўртасида дўстликни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга чақирди.

«Мен, — деди у, — дўстлик бир-бирмизга ишонишга, гумон билан қарамасликка асосланиши, бизни бир-биримиздан ажратиб турган тафовутларга асосланмасдан, балки бизни бирлаштируучи ишларга асосланиши лозим, деб ҳисоблайман».

Ёқилғи ва энергетика министрлигининг парламент секретари Дэвид Рентон лорд Ситриннинг гапларини қувватлаб, «тинч-тотув яшаш халқларнинг фаровонлигини яхшилаш ишида дўстона мусобақа қилиш демакдир» деди.

Электр саноати ишчилари касаба союзининг раиси Ф. Фоукс нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқи электр саноати ходимларига салом айтишни ва ўзининг яхши истакларини топширишни илтимос қилди.

Г. М. Маленков жавоб нутқи сўзлаб, инглиз энергетикларига яхши кутиб олганликлари учун ташаккур айтди.

Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

МИСР-ИСРОИЛ ЧЕГАРАСИДА КАТТА ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШИШ

ҚОҲИРА, 6 апрель. (ТАСС). Миср қўмондонлиги вакилининг хабар беришига қараганда, 5 апрель соат 13 да Исроил қуролли кучлари Газа, Дайрил-балог, Хан Юнис ва Кисан шаҳарларини тўпга тутганликлари натижасида тинч аҳоли орасида кўп киши ҳалок бўлган, 42 киши, шу жумладан 11 хотин ва 2 бола ўлдирилган. 103 киши, шу жумладан 25 хотин ва 19 бола яраодор бўлган.

Венгриянинг тошқиндан зарар кўрган аҳолисига Совет Иттифоқининг ёрдами

БУДАПЕШТ, 6 апрель. (ТАСС). СССРнинг Венгриядаги элчиси Ю. В. Андропов Венгрия ҳукуматига Дунай дарёсининг суви кўпайиб тошқин бўлганлиги натижасида юз берган табиий офат сабабли чуқур ҳамдардлик билдирди ва СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзининг ижроия комитети Венгриянинг сув тошқинидан зарар кўрган аҳолисига ёрдам кўрсатмоқ учун Венгрия Қизил Крести ихтиёрига 100 минг сўм пул ажратганлигини хабар қилди.

Янги цирк тамошалари



Тошкент давлат циркининг шу кунларда пойтахт меҳнаткашларига кўрсатаётган тамошалари хилма-хил ва мазмунли бўлиб, тамошабинларни гоятда қизиқтирмоқда. Бу янги программа совет цирки усталарининг ажойиб ўйинлари, хушчақчақ, шўх ва ҳазил қўшиқлари, ўткир сатира ва юморлари билан бойитилган. Артистлардан Элеонора ва Виктор Вашченколарнинг «Чархпалак автомашина» аттракциони диққатга сазовордир. Элеонора ва В. Вашченколарнинг янги ҳаво ўйинлари ўзининг қийин ва мураккаблиги билан тамошабинлар диққатини жалб этади.

... Цирк майдони. Ўртада икки қаватли турник қурилган. Уларда турник гимнастикачилари Чигвинцовлар маҳорат билан ўйнайдилар. Улар турникда енгил, чаққон ҳаракат қилиб, тамошабинларнинг олқишларига сазовор бўлдилар.



Майдонга артист Андрижевская ўргатилган итлар билан чиқади. У итларга қизиқ ва мураккаб ўйинларни ижро эттиради. Шу пайт музика овози янгирайди. Итлар музика оҳангига ўйинга тушадилар.

Юзлаб жуфт кўзлар елдек югириб бораётган от устидаги артист Поповни диққат билан кузатадилар. У учлари алангаланиб турган таёқчаларни осмонга иргитиб, биронтасини ҳам ерга туширмай илиб олади. Қўлидаги калтак устида чирпирак бўлиб айланаётган дискани қоғоз тутилган учта доирадан ўтказиб, таёқча учига енгилгина қўндиради. Тамошабинлар қорейиқ халқ артистлари Пантосларнинг биринчи ўринбосари А. И. Микоянни зўр қаяжон билан кузатадилар. Уларнинг ҳарбир номери тамошабинларнинг самимий ва дўстона қарсаклари билан бўлиниб туради.

Тамошабинлар зўр қаяжонда. Бир томонда атрофига ранг-баранг тобланиб турган электр чироқлари қатор қилиб тизилган айлануван катта бир гардиш. Унинг тепасида Элеонора, гардиш ичида В. Вашченко велосипедда қарама-қарши томонга қараб пойга қиладилар.

Мана, артист Виктор Вашченко машинада чархпалакдан юриб ўтиш учун секинаста юқорига кўтарилмоқда. Залда жимлик, Артист Вашченко машинага ишонч ва дадиллик билан ўтириб, уни юргизади. У кўз очиб юмгунча чархпалакдан машинада юриб ўтади...

Цирк программасидаги бошқа номерлар ҳам кишига завқ бағишлайди. Артист Евтушенколарнинг музика асбобларини моҳирлик билан чалишлари, Самолётоларнинг мураккаб акробатик номерлари, Елинскийнинг мазмунан бой, ўткир сатирик ва юмористик қўшиқлари, Рубановнинг иллюзиялари ва бошқа номерлар шулар жумласидандир.

Цирк ўйинлари тамошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. С. НУ'МОНОВ.

Суратда: 1. Артист Элеонора Вашченко велосипед устида.
2. Артист Виктор Вашченко.
Ю. Шатиров фотолари.

Эстрада сан'аткорлари

Республикамизга гастролга келган Москва давлат эстрадасининг сан'аткорлари яқинда Ўзбек давлат эстрадасида пойтахт меҳнаткашларига катта программада концерт бердилар.

Артистлар концерт программасидаги номерларни зўр эҳтирос ва ҳаяжон билан ижро этдилар. Эстрадаларнинг талантли артисткаси Ирина Большакова ижро этган қўшиқ, романс ва ариялар ёқимлилиги ва нафислиги билан ажралиб туради. У ижро этган композитор Брусиловскийнинг «Икки қалдирғоч», Блантернинг «Йўқ, мен сизни севмайман» қўшиқлари тамошабинларда катта таассурот қолдирди.

Эстрада артисти Лев Хничевнинг ажойиб сан'атини ҳам тамошабинлар юксак қадрламоқдалар. У рус совет композиторлари ва халқ демократияси мамлакатлари қўшиқларини моҳирлик билан ижро этди. Хничев машҳур негр куйчиси Поль Робсоннинг «Ухла, болам» қўшиғини, «Рус йигити» деган рус халқ ҳазил ашуласини, «Осмон», «Гадой», «Жонгинам» сингари четэл қўшиқларини ижро этиб, тингловчилар ҳурматига сазовор бўлди.

Эмиль Кемпер, Евгения Негина, Григорий Шанин сингари артистлар ҳам концерт давомида ўзларининг сан'атларини намойиш қилдилар.

А. АЛИЕВ,
М. АҲМЕДОВ.

ОВЧИ БЛОКНОТИДАН

АЙИҚ

Айиқ дунёёнинг ҳамма қита'ларида учрайди. Унинг ҳидлаш органлари ниҳоят даражада кучли, лекин кўриш қобилияти унчалик тараққий этмаган, жисмоний жиҳатдан бақувват ҳайвондир. Айиқ асосан ўрмонзор ва ёнғоқзорларда яшаб, турли ўсимликлар, ёнғоқ, бодом, асал ва ҳашаротлар билан овқатланади. Ҳарқандай дарахт тепасига бемалол чиқаолади.

Айиқ асосан ўсимликлар билан овқатланади. Бироқ, овқат тополмай қаттиқ оч қолса баъзи ҳайвонларга ҳамла қилишдан ҳам қайтмайди. Айиқ ўлик ҳайвон гўштини фақат ҳидлангандан кейингина ейди. Айиқ беҳосдан учраган овчига ташланади. Айиқса яраланган айиқ овчи учун хавфлидир.

Айиқларнинг қишла ухлаши ҳархил. Фақат совуқ тушиб овқат топишнинг иложи бўлмаганлигина улар инларига кириб 15—20 кундаб ухлайдилар. Олдин она айиқ, кейин ота айиқлар ухлайдилар. Иссиқ мамлакатларда айиқлар ухламайдилар. Улар ўз болаларидан 2—3 тасини инларни ёнидан узоқ кетмасликка ўргатадилар. Катта болалари кичикларини ўйнатишда оналарига ёрдам берадилар. Бу ҳақда немис табиатшунос олими Брем ўзининг «Ҳайвонларнинг ҳаёти» деган китобида қуйидагича ҳикоя қилади:

«Дарахт панасида мен, дарёдан сузиб нариги соҳилга ўтаётган айиқни кузатиб турардим. Она айиқ сувнинг нариги соҳилига ўтгач, бериги соҳилда қолган болаларига қараб турди. Айиқчалардан бири ўтган йили, қолган иккитаси шу йили туғилган эди. Онаси кетидан катта айиқча сузиб ўтди. Она айиқ боласининг юзига бир тарсаки уриб, укаларига ишлади. Айиқча орқага қайтиб укаларидан бирини тишлаб сувнинг ўртасигача кўтариб борди. Укасини сув ўртасига ташлаб айиқча яна онаси ёнига борди. Ниҳоят иккинчи марта тарсаки егач, дарёничида талпинаётган укасини онаси ёнига кўтариб чиқди. Иккинчи укасини ҳам олиб ўтгач, онаси унинг юзидан силаб мукофот учун нимадир берди».

Ўрта Осиёда ҳам айиқ Арслонбоп, Памир, Тяньшань, Паркент, Султонбобтоғ каби жойларда учрайди. Улар колхоз чорвасига зиён келтирадилар. Айиқларни фақат чорва яқинидагина овлашга рухсат этилган.

Х. ҲАКИМОВ.

Англиз жамоатчилиги Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевнинг Англияга келишини ғоят қизиқиб кутмоқда

ЛОНДОН, 6 апрель. (ТАСС). Инглиз жамоатчилиги СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин блан СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. С. Хрушчевнинг яқинда Англияга келишига катта эътибор бермоқда. Совет элчихонасига ҳамда Лондон ва вилоятларда чиқадиган газеталарнинг редакцияларига жуда кўп хатлар келаётганлиги совет раҳбарларининг келишига қизиқиш кучайиб бораётганлигини кўрсатади. Англиянинг хилма-хил доираларига мансуб бўлган кишилар ўзларининг бу хатларида совет раҳбарларининг Англияга келишини катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеа деб табриклашмоқдалар ва совет раҳбарларининг бу сафари Англия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирмоқдалар.

Шотландияли студентларнинг бир группаси совет элчихонасига юборган хатида Н. А. Булганиннинг ва Н. С. Хрушчевнинг Эдинбург университетига келиб студентлар жамиятида нутқ сўзлашларини илтимос қилиб юборган ўзининг дўстона таклифини Булганин блан Хрушчевга топширишни илтимос қилади. Оксфорд университетининг студентларидан ҳам шундай таклифнома олинди.

Дартфорддаги ҳисоблаш машиналари заводи цех оқсоқоллари комитети «Булганин блан Хрушчевнинг келишини қизғин табриклайди» ва уларнинг Англия ҳукумати вакиллари блан олиб борадиган музокаралари «қуролсизланиш тўғрисида, ядро ва атом қуролларини синашни тўхтатиш тўғрисида ва Англия-Совет савдосини кенгайтириш тўғрисида битимга келишини тезлаштиришга ёрдам беради» деб ишонч билдиради.

Кооператив партиясининг Брайтондаги бўлими ижроия комитетидан, Лондон доклардаги транспорт ишчилари ва малакасиз ишчилар касаба союзи ташкилотидан ҳамда бошқа касаба союз ва жамоат ташкилотларидан олинган хатларда ҳам шу хилдаги фикрлар баён қилинган.

«Йоркшир пост» газетасининг газетхони Браунбрияж газета редактори номига ёзган хатида «Россия блан узоқ давом қиладиган тинчликка ва мустаҳкам ҳамжиҳатликка эришиш» зарур, дейди. Қайси мамлакатнинг давлат системаси яхшилиги тўғрисидаги хилма-хил фикрларга қарамай, деб ёзади, у, «ҳарбир киши ўз фикрида қолишга ҳақлидир ва ҳарбир киши бошқаларнинг фикрини ҳурматлаши лозим. Кўп масалаларда Россия блан Англиянинг фикрлари бир-бирилан фарқ қилиши мумкин, лекин бу — бизнинг бир-биримиз блан дўст бўлишимизга халақит бериши мумкин эмас, албатта».

«Дейли телеграф энд морнинг пост» газетасининг газетхони Гриффитснинг фикрича, «рус раҳбарларини жўда хурсанд бўлиб меҳмондўстлик блан кутиб олиш керак». У кейинги 150 йил мобайнида энг катта уч урушда Россия Англиянинг иттифоқчиси бўлганлигини айтиб, қуйидагиларни ёзади: «Наполеон урушларида ва иккинчи жаҳон урушида Россия ҳал қилувчи роль ўйнади. Наполеон 1812 йилда Москва олдида тор-мор келтирилмаганда эди, эҳтимолки, Британия империяси шунчалик яшнаб кетмаган бўлур эди. Гитлер Сталинград олдида тор-мор келтирилмаганда эди, ким билади яна қандай ҳодисалар рўй берур эди».

СССР блан Ҳиндистон портлари ўртасида пароходларнинг мунтазам қатновини белгилаш тўғрисидаги битим имзоланди

ДЕҲЛИ, 6 апрель. (ТАСС). 1955 йил 13 декабрьдаги Совет-Ҳиндистон қўшма ахбороти асосида Деҳлида СССР ва Ҳиндистон ҳукумат делегациялари ўртасида дўстона ва самимий вазиятда музокаралар бўлиб ўтди ва ҳамма масалалар синчиклаб муҳокама қилинганидан кейин бу музокаралар охирида 1956 йил 6 апрельда СССР портлари блан Ҳиндистон Республикаси портлари ўртасида пароходларнинг мунтазам қатновини белгилаш тўғрисидаги битим имзоланди.

Музокараларда совет томонидан СССР Денгиз флоти министрлиги коллегиясининг аъзоси А. А. Савельев (делегация раҳбари), А. П. Черняк, И. П. Кононов. Н. П. Кусков, Ҳиндистон томонидан Йўллар министрлигининг секретари Н. М. Айяр (делегация раҳбари), К. Б. Лалл, Нагендра Сингх, Гхош қатнашдилар.

Битимни СССР Иттифоқи ҳукуматининг ваколатига биноан А. А. Савельев, Ҳиндистон ҳукуматининг ваколатига биноан, Н. М. Айяр имзоладилар.

Делегациялар Қора денгиздаги совет портлари — Одесса ва Новороссийск блан Ҳиндистон портлари Бомбай ва Калькутта ўртасида пароходларнинг мунтазам қатновини белгилаш тўғрисида битимга келдилар.

Томонлар пароходлар мунтазам қатнайдиган йўлларда ишламоқ учун ҳарқайсп томондан ҳаммаси бўлиб 50 минг тоннадан кўпроқ юк сиғадиган олтитадан кема ажратдилар. Бу йўлда қатнайдиган кемалар асосан Совет ва Ҳиндистон юкларини ташийди.

Ҳар иккала мамлакатнинг кемалари СССР блан Ҳиндистон портларида энг кўп қулайликдан фойдаланадилар, шунингдек уларнинг нормал равишда қатнови учун уларга тўла равишда хизмат кўрсатилади ва улар зарур нарсаларнинг ҳаммаси блан таъминланадилар.

Ҳар икки томон учун манфаатли кира ставкалари тўғрисида битимга келинди.

Ҳамма масалаларни ҳал қилиб туриш мақсадида томонлар ўз вакилларини: Совет Иттифоқи — Бутуниттифоқ бирлашмаси «Совфрахт»ни ва Ҳиндистон — кемачилик бош директоратини тайинладилар.

Совет кемаларига Ҳиндистон портларида ҳинд фирмалари хизмат кўрсатади, Ҳиндистон кемаларига эса совет портларида совет «Инфлот» агентлиги хизмат кўрсатади.

Битим имзоланган кундан бошлаб кучга кирди.

Бу битим СССР блан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда ва савдо-сотиқни кенгайтиришда янги босқичдир.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/IV да кундуз ва кечқурун **Шамсиқамар**, 10/IV да **Қутлуғ қон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/IV да кундуз **Мис чавандоз**, кечқурун **Кармен**, 10/IV да **Оққуш кўли**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/IV да кундуз **Концерт** кечқурун **Сурмахон**, 9/IV да **Азиз ва Санам**.

БУГУН КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА». «ЎЗБЕКИСТОН». (кундуз ва кечқурун) — **Отелло**.

«РОДИНА». «ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Икки капитан**, кечқурун **Отелло**.

НАВОИЙ номли — эрталаб **Икки капитан**, кундуз соат 1 дан **Отелло**.

«ИСКРА» — 3-нчи залда кундуз соат 4 — 15 минутда **Аргентина бўйлаб саёҳат**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
янги программада
катта цирк тамошалари
«ЧАРХПАЛАК АВТОМАШИНА» АТТРАКЦИОНИ.
Артистлардан **Элеонора ва Виктор Вашченколар** ижро этади.
Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 03709 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1411.